


## ТАЙНЛАНДИ



**Подполковник  
Зафар Закирович АТАЕВ** –  
Тошкент шаҳар Сергели тумани  
ИИБ бошлиғи лавозимига.

## ЎЗБЕКИСТОН



## ҲАФТА ИЧИДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифи биноан Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Моди расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Олий мартабали меҳмонни расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ислам Каримов ва Нарендра Моди тор доирада музокара ўтказди. Икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг бугунги ҳолати ва истиқболлари атрофича таҳлил қилинди. Фойдаланилмаган имкониятларни амалга ошириш, сиёсий, иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди.

● Польшанинг Сулеювек шаҳрида Ўзбекистоннинг Варшавадаги элчихонаси вакиллари ва «РПУН Ногус энергия Sp.z.o.o.» компанияси бошқаруви аъзолари учрашуви бўлиб ўтди.

Мазкур компания электр энергияси ишлаб чиқариш учун асбоб-ускуналар (шу жумладан, муқобил энергия манбалари) тайёрлашга ихтисослаштирилган. Такдимотда компания бошқарув раиси Я. Коблак энергия ишлаб чиқариш учун янги муқобил манбаларни қўллаш юзасидан ўзбекистонлик шериклар билан ўзаро ҳамкорликни давом эттиришдан манфаатдор эканлигини билдирди.

● Бухоро шаҳрида «Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси» кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди.

Танловнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичларида 8 мингдан зиёд маслаҳатчи иштирок этди. Уларнинг 14 нафари мамлакат босқичига йўланма олди. Танлов якунига кўра, Чилонзор туманидаги «Чилонзор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Марҳамат Мақсудова ғолибликни қўлга киритди.

● Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва унинг ҳузурдаги Тадқиқот маркази томонидан Олий суд Пленумининг «Судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликнинг олиб ташланишига оид қонунчиликни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори лойиҳасини тайёрлаш юзасидан илмий-амалий конференция ўтказилди.

Анжуманда дастлабки тергов органлари ва судлар томонидан судланганлик ҳолатининг тугалланиши ёки судланганликнинг олиб ташланишига оид миллий қонунчилик нормалари ва уларни қўллаш амалиётида юзага келадиган муаммолар атрофича муҳокама этилди.

**ОАВ хабарлари асосида  
тайёрланди.**

## ШҲТнинг Уфа саммити

(Давоми.  
Бошланғичи 1-бетда).

Маълумки, ШҲТга раислик Ўзбекистонга ўтди. Шу муносабат билан Ислам Каримов Ўзбекистон Республикаси ШҲТ ташкил топганининг 15 йиллиги нишонланадиган йилда ташкилотга раислик қилишдек масъулиятли вазифани зиммасига олаётганини ва бу, ўз навбатида, истиқболда кўзда тутилган режаларни муваффақиятли амалга оширишда умумий масъулиятни янада оширишини таъкидлади.

Ўзбекистон ташкилотга раис сифатида мавжуд анъаналарга амал қилиш, ШҲТга аъзо мамлакатлар манфаатларига мос келадиган ҳамкорликни изчил мустақамлаш ва ривожлантириш, шунингдек, ташкилотнинг халқаро майдондаги нуфузини янада ошириш принципларига қатъий риоя этади.

Терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши биргалликда курашишни кучайтиришга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш, халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидларнинг олдини олиш, ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодий барқарор юксалтириш ва уларнинг ижтимоий тараққиётини таъминлаш ташкилот олдидаги долзарб вазифа бўлиб қолаверади.

Минтақада барқарорлик ва тараққиётнинг ишончли кафолати сифатида ШҲТ ролини янада мустақамлаш мақсадида унга аъзо мамлакатларнинг ўзаро ҳамкорлигини кенгайтириш, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар, манфаатдор давлатлар билан муносабатларни изчил ривожлантириш чора-тадбирларига алоҳида аҳамият берилади.

Ўзбекистон ШҲТга раислиги доирасида маданий-гуманитар, илм-фан ва таълим соҳаларида самарали минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлашга доимий эътибор қаратади, деб таъкидлади Ислам Каримов.

Саммит якунида Уфа декларацияси, ШҲТни 2025 йилгача ривожлантириш стратегияси ва 2016–2018 йилларда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ҳамкорлик дастури қабул қилинди. Ҳиндистон ва Покистонни ШҲТга қабул қилиш жараёнини бошлаш, Беларусь Республикасига қузатувчи, Озарбайжон, Армения, Камбоджа, Непал давлатларига мулоқот бўйича шेरик мақомини бериш бўйича қарорлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Уфа саммити доирасида 10 июль куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин билан учрашди. Томонлар ўзаро муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини атрофича муҳокама қилдилар.

Ислам Каримов кенг қўламли Ўзбекистон – Хитой муносабатлари икки давлат раҳбарларининг дўстлик ва ўзаро ишончга асосланган мулоқот-

лари негизда тобора ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Хитой билан иқтисодий, транспорт коммуникациялари, таълим каби қатор соҳаларда йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда. Урта Осиё – Хитой газ қувури, Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линияси, Ангренда автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникаси учун шиналар ҳамда конвейер лентаси ишлаб чиқариш йўлга қўйилган муваффақиятли ҳамкорликнинг ёрқин намуналаридир.

Товар айирбошлаш ҳажми сўнги 6 йилда 3 карра ортгани эътиборга молик. 2008 йилда бу кўрсаткич 1,5 миллиард долларни ташкил этган бўлса, 2014 йилда 4,7 миллиард долларга етди.

Си Цзиньпин давлатимиз раҳбарини жорий йил март ойида бўлиб ўтган Президент сайловидаги ғалабаси билан яна бир бор табриклаб, Ўзбекистон халқи Ислам Каримов раҳбарлигида барча соҳаларда янада катта ютуқларни қўлга киритишига ишонч билдирди.

ХХР Раиси Хитой томони Ўзбекистонда тиббиёт, таълим ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳаларидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш учун техник ёрдам сифатида 350 миллион юань миқдоридан грант ажратганини маълум қилди.

Учрашувда ШҲТ доирасидаги ҳамкорлик масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов шу куни Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан учрашди.

Ушбу учрашув Ўзбекистон билан Россия ўртасида иттифоқчилик муносабатлари ўрнатилганининг 10 йиллигида ўтаётгани ҳамда ҳамкорликнинг барча устувор ва истиқболли йўналишлари бўйича фикр алмашиш учун қулай фурсат экани таъкидланди.

Президентлар сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилдилар. Минтақавий хавфсизликка доир долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон ва Россия ШҲТ ва МДҲ доирасида фаол ҳамкорлик қилаётгани қайд этилди.

Россия Ўзбекистоннинг йирик савдо-иқтисодий ва сармоявий шерикларидан бири эканлиги таъкидланди. Мамлакатларимиз ўртасида товар айирбошлаш ҳажми изчил ортиб бораётди. 2014 йилда бу борадаги кўрсаткич 6 миллиард доллардан ошган.

Владимир Путин Ислам Каримовни давлат ташрифи билан Россия Федерациясига таклиф этди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Уфа шаҳрига ташрифи якунига етди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
ЎЗА махсус мухбири.**

Тошкент – Уфа – Тошкент.

▼ *Хизмат жойи — Қоровул қўшинлари*

## ЎЗ КАСБИНИНГ ФИДОЙИЛАРИ



(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

— Китоб ўқишни яхши кўрамыз, — дейди шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи оддий аскарлар Санжар Нарзиев ва Дилмурод Шодибоев. — Хизматдан бўш пайтимиз бу ерга келиб турамыз. Билимимизни оширишда, бўш вақтимизни мазмунли ўтказишда кутубхонанинг ўрни катта бўляпти.

Эътиборли жиҳати, бу икки оддий аскар ҳам Мустақиллик тенгдошлари. Бири Тошкент вилояти, иккинчиси Бухоро вилоятидан келиб ушбу ҳарбий қисмда шартнома сосида хизматни давом эттиришапти. Уларнинг орзулари бир олам. Келажақда Сержантлар тайёрлаш мактабида ўқиш, етук мутахассис бўлиш, ҳарбий соҳада фаолият кўрсатиш, юртимизга сидқидилдан хизмат қилишдир.

Шахсий таркибнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлигини оширишда турли кўрик-танловлар, ҳарбий қисмлар, батальонлар ўртасида ўтказиб келинаётган

спорт мусобақаларининг аҳамияти катта бўлмоқда.

Айтганча, шу куни ҳарбий қисмда мавжуд бўлган барча техникалар техник кўрикдан ўтказилаётган экан. Кўз ўнгимизда бир сафга тизилган турли русумдаги транспорт воситалари бирин-кетин текширилиб, уларнинг созлиги, хизматда фойдаланишга яроқлиги кўрикдан ўтказилди. Ўзига бириктирилган хизмат автомашинасининг созлигига астойдил ёндашган, уни кўз-қорачиғидек асраган ходимлар хизмати эътироф этилди.

— Барча соҳаларда бўлгани каби бизнинг фаолиятимизда ҳам техника муҳим ўрин тутди, — дейди ҳарбий қисм автомобили взводи командири, катта лейтенант Дилмурод Жўраев. — Негаки, конвой хизматини амалга оширадиган ходимларимиз маҳбусларни, айбланувчиларни судга, тергов идоралари, проку-

ратурага олиб бораётганида транспорт воситаси панд бериб қолса, турли салбий ҳолатлар юз бериши мумкин. Шунинг учун техникаларнинг созлиги мунтазам назорат қилинади. Ҳар олти ойда бир маротаба умумий техник кўрикдан ўтказилади.

Конвой хизматини амалга оширадиган техника воситаларининг барчаси янги ва замонавий. Бундан ташқари, уларнинг асосий қисми мамлакатимизда ишлаб чиқарилган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур ҳарбий қисмда ҳарбийларга хос ҳаёт тарзи давом этмоқда. Белгиланган жойларда метиндек туриб қоровуллик қилаётган, конвой хизматини аъло даражада амалга ошираётган ҳарбийлар осойишталикни таъминлашга, тинчликни асрашга муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

**Фозил МАМАШАРИПОВ.**

Суратларда: ҳарбий қисм фаолиятдан лавҳалар.

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**



## Кўрик-танлов

Наманган вилояти ИИБ раҳбарияти томонидан шахсий таркибнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги ишлар самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келиняпти. Яқинда айна шу мақсадда вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ ҳамда унинг қуйи тизимлари ходимлари ўртасида «Энг яхши тезкор ходим» кўрик-танлови ўтказилди.

## БИЛИМ ВА МАҲОРАТ СИНОВИ

Кўрик-танловда бошқарма ва унинг қуйи тизимларидан 23 нафар тезкор вакил қатнашди. Дастлаб уларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарликлари синовдан ўтказилди. Аниқроғи, 100 ва 1000 метр масофага югуриш, спорт тўсинида тортилиш, шунингдек, табель қуролидан ўқ отиш бўйича беллашдилар.

Шундан сўнг иштирокчилар тезкор-қидирув, ижтимоий-сиёсий ва умумий тайёргарликка оид тест саволларига жавоб беришди. Танлов назарий қисмининг кейинги шартлари эса иштирокчилар тезкор-қидирув фаолияти, қонун ҳужжатлари ҳамда умумий соҳаларга доир саволларга оғзаки жавоб бериш орқали ўз билимларини намойён этишди.

Яқинда натижаларга кўра, умумий кўрсаткичлар бўйича энг кўп балл тўплаган бошқарма ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили, катта лейтенант Баҳодир Тожидинов гулибликни қўлга киритди. Поп тумани ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили, катта лейтенант Элёр Сирожидинов иккинчи, Янгиқўрғон тумани ИИБ ЖК ва УЖҚКБ тезкор вакили, капитан Раҳимжон Тоғаев эса учинчи ўринни эгаллади.

Ғолиб ва совриндорлар диплом, пул мукофотлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Азиз ТОШПҮЛАТОВ,**  
подполковник.  
Наманган вилояти.



Ўзбекистон Республикаси ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Фарғона шаҳар марказида «Ҳуқуқий маданият — умумий маданиятнинг ажралмас қисми» мавзусида кўрик-танлов ўтказилди.

Марказнинг «қўриқлаш» хизмати йўналишда таҳсил олаётган сержантлардан иборат «Истиклол» жамоаси ҳамда бошқа хизматлар йўналиши бўйича сержантлар таркибидан «Адолат» жамоаси тузилди. Улар кўрик-танлов чоғида «Таништи-

рув», «Савол-жавоб», «Бир жиноят тафсилоти» шартлари бўйича ўзаро беллашдилар. Хайъат аъзолари томонидан жамоаларнинг шартларни қандай бажараётгани ҳолислик билан, адолат мезонлари асосида баҳолаб борилди.

## Йўл қондаси — умр фойдаси

# АВТОҲАЛОКАТ ЁШ ТАНЛАМАЙДИ

Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, уларни турли фалокатлардан асраш доимо энг долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматининг мутахассислари узок йиллардан бери ушбу муаммо ечимини қидириб, турли изланишлар ўтказиб, ҳодисаларни таҳлил қилиб келишмоқда. Кучатувлар, таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, болага битта гапни бир марта гапирганда уқтириш жуда мушкул. Бунинг учун тушунтириш ишларининг таъсирчанлигини ошириш, ишончли маълумотлар билан бойитган ҳолда уларга етказиш керак.

Содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлилларида болалар иштироки янада яққол кўзга ташланаркан бу борада ҳали жуда кўп ишлар олиб бориш зарурлигини, уларга хавфсиз ҳаракатланишни ўргатиб бориш кераклиги сезилиб туради. Шу маънода эндиликда ИИБ Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан амалга оширилаётган бир қатор тадбирлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Жумладан, мактаб ўқувчиларининг ёзи таътили даврида ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш, ўқувчиларга «Йўл ҳаракати қоидалари»ни ўргатиб бориш, шунингдек, тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш, болалар иштирокида содир бўлаётган йўл-транспорт ҳодисаларини камайтириш мақсадида махсус «Таътил» профилактика тадбирини ўтказиш бўйича республика ИИБнинг фармойиши ишлаб чиқилди ва ижросини таъминлаш юзасидан жойларда ташкилий ишлар амалга оширилди.

Жумладан, барча оромгоҳларга ДЙҲХ ходимлари бириктирилиб, ҳаракат хавфсизлигига оид бурчаклар ва автомайдончалар ташкил қилинди. Уларни «Йўл ҳаракати қоидалари» китоби, ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилувчи турли хил расмлар, кўргазмалар қуроллар билан жиҳозлаш, оромгоҳларда ёш автоназоратчилар гуруҳини ташкил этиш ва турли хил мусобақалар, викториналар ўтказиш, гулибларни рағбатлантириб бориш чоралари кўрилди. Бундан ташқари, таътилни ўз уйларида ўтказаятган болалар ўртасида ҳам йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан мажалла фаоллари, ота-оналар иштирокида учрашувлар, қизиқарли тадбирлар уюштирилмоқда.

Таътил вақтида яна бошқа бир қатор тадбирлар ҳам ўтказилмоқда. Жумладан, яқинда Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида жойлашган «Алпомиш» болалар оромгоҳида «Йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг республика слёти» мусобақаси бўлиб ўтди. Иштирокчилар «Пиёдалар

## МАРКАЗДА ҚИЗИҚАРЛИ БЕЛЛАШУВ

Республика ИИБ ШТБХга бевосита бўйсунувчи Сержантлар таркибини қайта тайёрлаш ва малака ошириш Олмалиқ шаҳар марказида тингловчи ва курсантларнинг дунёқарашини бойитиш, сиёсий билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. «Диний экстремизм ва терроризм — тараққиёт душмани», «Ислоҳ ақидапарастликни қоралайди», «Ҳозирги замон ва динлараро мулоқот» каби тарбиявий аҳамиятга эга бўлган мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар уюштириб келинмоқда. Бундай тадбирларга диний идора уламолари, ҳуқуқшунос-олимлар, соҳа мутахассислари ва ички ишлар идоралари фахрийлари таклиф этилади. Шунингдек, ҳар ўқув йилини давомида тингловчи ва курсантларнинг ақлий тафаккури ҳамда тарбиясини шакллантириш мақсадида «Интеллектуал ринг», «Заковат», «Билимдонлар беллашуви» каби тадбирлари ташкиллаштириляпти.

Яқинда марказнинг тингловчи ва курсантлари ўртасида «Диний экстремизм ва терроризм аср вабоси» мавзусида викторина ўтказилди. Тадбирда сўз олган марказ бошлиғи, полковник Х. Дўсмутов осойишталик посбони аввало, ватанпарвар, юксак жисмоний ва жанговар тайёргарликка эга, ўзи танлаган соҳанинг етук му-

тахассиси бўлиши зарур эканлигини таъкидлади. Ички ишлар идораларининг профессионал ходими бўлиб етишиш учун фақат аъло ўқиш, касбий малакаларни чуқур эгаллашлари лозимлигини айтиб, викторина иштирокчиларига омад тилади.

Курсантлар ва тингловчилар учта жамоага бўлинган ҳолда ўзаро куч синашишди. Жамоа аъзолари ўзларини таништириш, тезкор савол-жавоб, диний экстремизм ва терроризмни қораловчи саҳна кўриниши намойиши сингари тўрт шарт бўйича беллашдилар.

Шартлар ораллиғидаги танаффусда тингловчи, кичик сержант М. Қурбонов ҳамда курсант, сафдор Л. Сафарова Ватанга муҳаббат, ички ишлар идоралари ходимлари касбини шарафловчи куй-қўшиқлари билан жамоаларга руҳий мадад бериб туришди. Марказда ташкил этилган «Кўл жанги» тўғраги қатнашчилари эса жанговар чиқишларини намойиш этишди.

Тўпланган баллар натижасига кўра, «Адолат» жамоаси гулибликни қўлга киритди. Тадбир якунида гулиблар ҳамда викторинада фаол қатнашган бир гуруҳ тингловчи ва курсантларга марказнинг Фахрий ёрлиғи топширилди.

**З. НАМОЗОВ,**  
майор.

## УМУМИЙ МАДАНИЯТНИНГ АЖРАЛМАС ҚИСМИ

«Таништирув» шarti бўйича ҳар бир жамоа аъзолари ўзларининг жамоага танлаган номларини изоҳладилар. «Савол-жавоб» шartiда жамоаларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Жиноят кодекси, мамлакатимиз қонунлари ҳамда «Ҳуқуқий билим асослари» (юридик тайёргарлик) фанлари бўйича олган билимлари саволлар бериш орқали синовдан ўтказилди.

«Бир жиноят тафсилоти» шartiда эса жамоалар юртимизнинг ижтимоий-сиёсий юксалишига раҳна солаётган муаммолар (диний-экстремистик оқимлар фаолияти, одам савдоси, гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши) ва уларга қарши ку-

рашиш мавзуларига бағишланган саҳна кўринишлари, шеърый чиқишлар, композициялар, монолоғлар ижро этдилар.

Мурасасиз ўтган беллашувлар натижасига кўра «Адолат» жамоаси ғолиб деб топилди.

Таъкидлаш жоизки, жамоалар мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаятган ислохотлардан яхши хабардор эканликларини, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари бўйича пухта билимга эгалигини намойён этдилар. Улар томонидан намойиш этилган, долзарб ижтимоий-сиёсий мавзуларга бағишланган саҳна кўринишлари ҳам иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**М. ХОЛМИРЗАЕВ,**  
подполковник.

## ДУНЁДАН



## ДАРАКЛАР

### ЙЎЛИНИ ТОПИШДИ

Европа қитъасида ҳаво ҳарорати ниҳоятда кўтарилиб кетди. Будапешт аҳолиси жазирамадан паноҳ топиш учун фавворалар яқинида дам олишмоқда. Хоҳловчилар учун музлатилган сув солинган пластик пакетлар текинга берилмоқда. Таллинликлар эса собиқ шўро тузуми даврида барпо қилинган қамоқхона ўрнида табиий равишда пайдо бўлган кўл бўйига шошишмоқда. Римдаги ҳайвонот боғида бўлса жониворларни иссиқдан ҳимоя қилиш учун уларга музлатилган егуликлар беришяпти.

### ТАБИИЙ ОФАТЛАР ТУФАЙЛИ

Индонезиянинг Шарқий Ява вилоятида вулқон отилиши туфайли бешта йирик аэропорт ёпиб қўйилди. Натижада Бали ва Ломбок каби сайёҳлик йўналишлари бўйича самолётлар парвози тўхтатилди. Шунингдек, Жакарта ҳамда Сурабайдан учадиган рейслар бекор қилинди ёки ортга сурилди.

Японияда эса «Чан-Хон» номли тўфон сабабли мамлакат ички йўналишлари бўйича жами тўқсонга яқин авиарейслар бекор қилинди. Бундан ташқари, Окинава бандаргоҳларидан чиқадиган паромлар ва йўловчи ташувчи кемаларнинг қатнови тўхтатиб қўйилди. Тўфон марказида шамолнинг тезлиги секундига 60 метргача етди. Тўлқинларнинг баландлиги Амами оролларида 12 метргача етиши эҳтимоли бор. Бундан ташқари, мазкур оролларга кучли ёмғир ёғиши кутилмоқда.

### КЕМА ҲАЛОКАТГА УЧРАДИ

Бортида ноқонуний муҳожирлар бўлган кема Ўртаер денгизининг Ливия соҳиллари яқинида ҳалокатга учради. Бунинг натижасида камида 12 йўловчи ҳаётдан кўз юмди. 106 нафар муҳожир кутқариб қолинди. Пайшанба кунининг ўзида Ўртаер денгизида 400 нафар муҳожир кутқариб қолинди. Июнь ойи давомида эса Ливия қирғоқларида ўндан ортиқ кема ҳалокатга учраган бўлиб, уларда уч мингга яқин ноқонуний муҳожир бўлган. Уларнинг кўpchилигини кутқаришга муваффақ бўлинган.

### ЯНА БИР КАШФИЁТ

Буюк Британия, Исроил ва Испания астрофизиклари илк марта унча катта бўлмаган бешта юлдуздан иборат тизимни кашф этишди. Юлдузлардан иккитаси бир-бирига жуда яқин масофада жойлашган. Олимлар кашфиётларини Канар оролларида ва Жанубий Африка Республикасидаги иккита телескоп ёрдамида амалга оширишди. Ушбу юлдузлар тизими Ер сайёрасидан 250 ёруғлик йили узокликда жойлашган. Олимларнинг таъкидлашича, юлдузларнинг барчаси бир томонга қараб айланади.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

**Азизхон МУРОДОВ,**  
катта лейтенант.

## Амалиёт

## КЕЛГУСИ ФАОЛИЯТГА ЗАМИН



\*\*\*

Гулистон шаҳар ИИБда амалиёт ўтаётган тингловчиларга ўз мутахассисликлари бўйича соҳада узоқ йиллар хизмат қилган тажрибали мураббийлар бириктирилган. Улар тингловчиларнинг назарий билимларини амалиётда қўллашларига, соҳа сирларини пухта эгаллашларига яқиндан кўмаклашмоқда.

Тингловчилар ва уларнинг ота-оналари билан бўлган учрашувда ИИБ Академиясидан масъул подполковник А. Худойбердиев сўзга чиқиб, таълим муассасида яратилган қулайликлар, фарзандларнинг тартиб-интизоми, фанларни ўзлаштириши ҳақида ота-оналарига маълумот берди. Шунингдек, аъло ўқиши ва намунали хулқи билан тенгдошларига ўрнатилган кўрсаткичлар тингловчиларнинг ота-оналарига Академия раҳбариятининг миннатдорлик мактублари топширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, тингловчилар амалиёт жараёнида жойларда «Гиёҳвандлик – аср ва-

**Республика ИИБ Академияси тингловчилари амалиёт ўташ жараёнида фуқаролар, хусусан, ёшларнинг амалдаги қонунларга оғишмай риоя этишини тарғиб қилиш мақсадида таълим муассасалари ва маҳаллаларда учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишмоқда. Бундан ташқари, соҳада узоқ йиллар хизмат қилган фахрийларнинг тажрибалари билан ҳам ўртоқлашишмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири пойтахтнинг Шайхонтохур тумани ИИБда бўлиб ўтди. Унда истеъфодаги подполковниклар З. Мавлянов ва Ж. Жонибеков, истеъфодаги майор Б. Мақсудов ҳамда бошқалар иштирок этди.**

Тадбирни туман ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник А. Закиров очиб, бундай учрашувлар бўлғуси ходимларнинг дунёқарашини кенгайтириб, соҳа ҳақидаги тасавурларини янада бойитиш билан бирга, билим ва тажрибаларини оширишга катта ҳисса қўшишини алоҳида таъкидлади.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ёшларга яратилган шароитлар, она-Ватан тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш нақадар улғу ҳамда шарафли вазифа эканлиги ҳақида гапиришди. Танишув амалиётини ўтаётган 2-ўқув курси тингловчилари номидан Ш. Шакароева сўзга чиқиб, яратилган қулайликлар учун миннатдорлик билдирди. Назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлиги соҳа ҳақидаги тасавурларини янада бойитаётгани-

ни мамнуният билан эътироф этди.

**Шерзод АБДУШУКУРОВ. Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

\*\*\*

Академиянинг 3-босқич тингловчилари эса ўқув амалиётини ўзлари келгусида хизмат олиб бориши кўзда тутилган ҳудудларда ўташмоқда. Табиийки, бу уларнинг амалий фаолиятларига пухта замин бўлади. Шу боис, амалиёт олдида вилоят ИИБда тингловчилар ва уларнинг ота-оналари билан учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда вилоят ИИБ бошлиги ўринбосари вазифасини бажарувчи, подполковник Б. Носиров, соҳавий хизматлар раҳбарлари, Фарғона ва Қўқон шаҳарлари ИИБ бошқаларининг ўринбосарлари, вилоят ИИБ фахрийлари кенгаши раиси, ис-

теъфодаги подполковник А. Усмонов, ИИБ Академиясидан масъул этиб бириктирилган тезкор-қидирув ҳуқуқи кафедраси доценти, подполковник Ф. Ҳамидов ҳамда бошқа бир қатор жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этди.

Подполковник Б. Носиров тингловчилар ва уларнинг ота-оналарига ички ишлар идоралари хизматининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тўхталиб, тингловчиларга бириктирилган мураббийларга тегишли кўрсатмалар берди ҳамда зарур шароитлар яратилишига алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини айтиб ўтди.

Ўқув жараёни ва жамоат ишларида фаоллик кўрсатган бир гуруҳ тингловчиларнинг ота-оналарига ИИБ Академияси раҳбариятининг миннатдорлик хатлари топширилди ҳамда иштирокчиларга тингловчиларнинг Академиядаги ҳаётини акс эттирувчи видеофильм намойиш этилди.

**Бўрибой ОМОНЗОДА. Фарғона вилояти.**

\*\*\*

Амалиёт – тажриба мактаби. Бўлажак осойишталик посбонлари бу жараёнда ўз устиди ишлаб, касбий маҳорати, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини янада оширишади. Бундан ташқари, фавқулодда ҳолатлар юзага келганда

мустақил қарорлар қабул қила олиш қобилиятини ҳам шакллантиради.

Вилоят ИИБга амалиёт ўташ учун келган тингловчилар ва уларнинг ота-оналари билан бўлган учрашувда ана шулар хусусида сўз юритилди. Ўзаро мулоқот руҳида кечган йиғилишнинг вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, подполковник Ж. Чиналиев очиб, мамлакатимизда ёшларга қаратилаётган эътибор, уларнинг таълим олиши учун яратилган қулайликлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Йиғилишда ота-оналар номидан С. Мўминова сўзга чиқиб, фарзандларига кўрсатилаётган юксак эътибор учун вазирилик ва Академия раҳбариятига миннатдорлик билдирди. Шунингдек, юрт тинчлигини асрашга муносиб фарзандни тарбиялаш ҳар бир ота-она учун улкан бахт эканлигини гуруҳ билан эътироф этди.

Тадбир якунида ўқиш ва жамоат ишларидаги фаоллиги учун бир гуруҳ тингловчиларнинг ота-оналарига Академия раҳбариятининг миннатдорлик хатлари топширилди.

**Содик РАХИМОВ. Қашқадарё вилояти.**

\*\*\*

Хоразм вилояти ИИБда ИИБ Академияси 3-ўқув курси тингловчилари ва уларнинг ота-оналари билан бўлган учрашувда бошқарма ШТБИХ бошлигининг биринчи ўринбосари,

майор А. Матёқубов сўзга чиқиб, мамлакатимизда ёшларга яратилган шароитлар ҳамда улардан самарали фойдаланиш зарурлиги, комил инсон тарбиясида отанинг, отанинг ўрни муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Учрашувда иштирок этган ИИБ Академияси кафедра бошлигининг ўринбосари, подполковник М. Чутбаев таълим даргоҳида амалга оширилаётган ишларга атрафлича тўхталиб, ўқув жараёнида фаол иштирок этган бир гуруҳ тингловчиларнинг ота-оналарига Академия раҳбариятининг миннатдорлик мактубини топширди.

Тадбирда сўзга чиққан



Саъдулла АБДУЛЛАЕВ олган сурат.

ота-оналар ИИБ Академияси ҳамда вилоят ИИБ раҳбариятига билдирилган юксак ишонч ва эътибор учун ўзларининг самимий миннатдорлигини билдиришди.

**Худойберган ЖАББОРОВ.**

Хоразм вилояти.

боси», «Одам савдоси – мудҳиш жиноят», «Ёшлар жиноятчиликка қарши» сингари долзарб мавзуларда учрашув ва давра суҳбатлари ўтказмоқда.

**Улғубек ҲАЙДАРОВ,**

катта лейтенант. Сирдарё вилояти.

## НАЗАРИЙ БИЛИМ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ИИБ тизимидаги барча олий таълим муассасаларида бўлган каби Ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабида ҳам тингловчи ва курсантларнинг малакавий амалиётни ўташларига алоҳида эътибор қаратилади. Аини пайтда мактабнинг 4-босқич курсантлари жойларда давлат ёнғин хавфсизлиги хизматининг ёнғинни ўчириш ва ёнғин содир бўлишининг олдини олиш йўналишларида амалиёт ўташмоқда.

— Амалиётчи курсантларимиз учун барча зарур шароитлар яратилган. Уларга соҳада кўп йиллардан буён самарали фаолият кўрсатиб келаётган, бой амалий тажрибага эга ходимлар мураб-

бий этиб бириктирилган, — дейди ИИБ ЁХОТМ ўқитувчиси, капитан Соҳиб Султонов. — Амалиёт давомида курсантлар содир бўлиши мумкин бўлган ёнғинларнинг олдини олиш ва содир

бўлган ёнғинларни қисқа муддатда ўчириш усуллари билан яқиндан танишиб, бошқа хизматлар билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бориш тартибини ўрганиб борадилар. Амалиёт туганидан сўнг курсантларнинг назарий билими, амалий кўникмалари синондан ўтказилади.

Ташкил этилган малакавий амалиётнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки, курсантлар турли тадбирларда ўз маъруза ва чиқишлари билан фаол иштирок

этноқда. Бу борада, айниқса, курсантлар Раҳматжон Тоиров, Маъмуржон Заҳриддинов, Ҳаётжон Пайзиев ва Шаҳбоз Эргашевлар сафдошларига ўрнатилган бўлиши.

— Бухоро шаҳар ИИБ 2-ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисмида амалиёт ўтаётган, — дейди курсант Раҳматжон Тоиров. — Ёнғинларни ўчиришда фуқаролар билан хушмуомала бўлиш, хизмат ҳужжатларини юритиш, навбатчи смена шахсий таркибига раҳбарлик қилиш юза-

сидан мураббийим, майор Алишер Жумаевдан кўп нарса ўрганяпман. Аини чоғда Бухоро шаҳридаги таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш корхоналарида ёнғиннинг олдини олишга қаратилган тарғибот-ташвиқот ишларини ҳам олиб бораёпман.

Бўлғуси ёнғин ўчирувчилар ўз зиммаларидаги масъулиятли вазифани тўла англаган ҳолда малакавий амалиётни тўлиқ ва самарали ўтказишга астойдил киришганлар. Бу уларнинг келгусида ўз соҳасининг етуқ кадрлари бўлиб етишига муҳим пойдевор бўлиши, шубҳасиз.

**Л. КАМОЛОВ,**  
катта лейтенант.

## Юксак мукофот соҳиблари

## ШАРАФГА ЛОЙИҚ ХИЗМАТ

– Ойи, дадам ишдан қачон келади?

– Келади, ўғлим, келади, сен ухлайвергин.

Бола дадасини кутиб шифтга термулиб ётганча кўзи илинди.

Тун ярмида хизматдан қайтган ота ухлаб ётган ўғлининг пешонасидан аста ўпиб қўйди-ю, безовта қилмади. У эрталаб ҳарбий либосини кийиб хизматга отланган пайтда ҳам ўғли ҳали ширин уйкуда эди.

Бола уйкудан кўз очиши билан яна дадасини сўрай бошлади.

– Ўғлим, даданг ишдан кеч келди, сен ухлаб ётгандинг, эрталаб яна ишга кетди.

– Нега дадам ҳар куни кеч келади, ойи? Баъзи кунлари келмай ҳам қолади. Ўртоқларимни дадаси ҳар куни уйда бўлишади-ку!

– Сенинг даданг ҳарбий! Ватан тинчлигини сақлаш учун хизмат қилади, болам. Одамларнинг тинч ва хотиржам яшаши даданг каби Ватан ҳимоячиларининг қўлида. Шунинг учун ҳамма ухлаб ётган пайтда ҳам даданг хизматда бўлади.



Шу топда гўдакнинг қалбида отасига нисбатан чексиз фахр-ифтихор туйғулари тўлиб-тошди. Унинг наздида отаси ҳаммадан кучли, дунёдаги энг жасур одам эди.

– Ойи, мен ҳам катта бўлсам ҳарбий бўлсам майлими?

– Албатта, ўғлим, сен ҳам шундай шарафли касбни тан-

ласанг мен фахрланиб юраман...

Тонгни мана шундай яхши ният билан кутиб олган Мурод мактабга отланар экан, қалбида ҳарбий бўлиш орзуси тобора илдиз ота бошлади. Шу куни барча дўстлари билан дилдаги орзусини ўртоқлашди. Кечкурун эса дадасини кутиб, кўзига уйқу ҳам келмади.

– Бунинг учун яхши ўқишинг, спорт билан тинимсиз шуғулланишинг керак, – деди Соип ака ўғлининг ниятини тинглар экан.

Энди Мурод спортга ҳам жиддий эътибор берадиган бўлди.

Ўқишлари ҳам фақат аъло эди. Орадан йиллар ўтиб Мурод Ибрагимовнинг орзуси ушалди. Тенгдошлари орасида биринчилардан бўлиб муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигит республика ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли ҳарбий қисмда шартнома асосида хизматни давом эттира

бошлади. Устозларининг ўғилларига оғишмай амал қилар экан, тез орада ижобий натижаларга эришиб, сафдошлари орасида обрў-эътибор қозонди. Энди унга командирлари мураккаб вазифаларни ҳам ишонч билан топшира бошлади. У эса масъулиятни чуқур ҳис этган ҳолда ишга киришиб, топшириқларни ўз вақтида сифатли бажарарди. Эл-юрт осойишталиги йўлида самарали хизмат қилар экан, ўз устиде ишлашни, изланишни ҳам қанда қилмади.

– Ҳар қандай муваффақият замирида тинимсиз меҳнат ётади, – дейди ИИБ Қоровул қўшинларига қарашли, подполковник Ш. Шамсиддинов сардорлик қилаётган ҳарбий қисм батальони, гуруҳ командири, сержант Мурод Ибрагимов. – Қолаверса, инсон қачонки эришган натижаларидан қониқиб қолса, у изланишдан тўхтайдими. Она-Ватан осойишталиги, тинчлигини сақлашдек шарафли соҳа вакили ҳеч қачон меҳнатдан қочмаслиги, доимо хушёр ва фидойи бўлиши лозим. Ватанга қанча

хизмат қилса ҳам оз. Сўнгги нафасигача хизмат қилган киши ҳам Ватан олдидаги қарзимни уздим деса, хато қилган бўлади.

Бу юртпарвар ўғлондан ибрат олса арзийди. Ҳарбий қисмда ходимларнинг руҳий, маънавий, жанговар ва жисмоний тайёргарлигини оширишда Мурод Ибрагимовнинг ўзига хос хиссаси бор. У кўп йиллик тажрибага эгалиги боис қўл остидаги ҳарбий хизматчиларга устозлик қилиб, соҳа сирларини пухта ўргатапти. Қалбидаги ватанпарварлик, жасурлик туйғуси эса муваффақиятлар сари йўлини доимо ёритиб туради. Сержант М. Ибрагимовнинг узоқ йиллик фидоикорона хизматлари муносиб тақдирланиб, жорий йил Ватан ҳимоячилари кунини арафасида Юртбошимиз Фармонига биноан «Содиқ хизматлари учун» медалига лойиқ кўрилди. Айни пайтда лавҳамиз қахрамони турмуш ўртоғи билан бирга уч нафар фарзандни эл-юрт қорига ярайдиган инсонлар қилиб тарбияляпти. Кексалик гаштини сураётган ота-онаси эса шундай фарзанд ўстирганидан фахрланиб юришибди.

**Иномжон РАХИМХЎЖАЕВ,**  
сержант.

## Фахрийлар – фахримиз

**Кекса ёшдаги инсонлар узоқ йиллик умри давомида катта ҳаёт тажрибасига эга бўлиб, кўплаб синовлар, қийинчиликларни ўз бошидан кечиришади. Умр чархпалагида чинакамга товланиб, донишмандлик манзилига етиб келишади. Бу ҳаёт мактаби уларга ажойиб инсоний фазилатларни инъом этади. Хоразмликлар истеъфодаги полковник Қосим Олламовни ҳеч иккиланмай ана шундай табаррук инсонлардан бири сифатида хурмат ва эҳтиром билан тилга олишади.**

Ҳаётини юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлашга бахшида этаётган бу фидойи инсон кексаликнинг завқли дамларидан куч-қувват олиб, ҳамон жамиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Илк фаолиятини тергов хизматида терговчи вазифасидан бошлаган Қосим Олламов устозмураббийларининг ўғилларига, насихатларига амал қилди. Касбга оид адабиётларни кунт билан ўқиб, ўз тажрибасини бойитишга интилди. Ўзига топширилган ҳар бир тергов ишига холисона ёндашиб, аниқ ва пухта хулоса чиқаришга ҳаракат қилди. Ёш бўлса-да, етарли касбий маҳоратга эга бўлгач, тез орада тажрибали ходимлардан бирига айланди.

Вазирлик раҳбарияти бу йигитга юксак ишонч билдириб, уни Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ тергов бошқармасига хизматга юборишди. Бу ерда ҳам кўплаб жиноятларни очишда фаол иштирок этди. Орадан бир неча йил ўтгач, Қосим Олламов ўз хизмат фаолиятини Хо-

разм вилояти ИИБ тергов бўлимида давом эттирди. Узоқ йиллар вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари лавозимида самарали хизмат қилиб, ходимларнинг билим ва касбий маҳоратини оширишга, уларни ижтимоий, ҳуқуқий ҳимоялашга, етарли хизмат шароитларини яратиш беришга алоҳида эътибор қаратди.

– Инсон улғайган сари унинг ҳаётга, одамларга бўлган меҳри ортиб бораркан, – дейди истеъфодаги майор Комилжон Тожиев. – Бу ҳаётий ҳақиқат айнан истеъфодаги полковник Қосим Олламов тимсолида яққол намоён бўлади. Мақоламиз қахрамони етмиш уч ёшга қаршилаётган бўлса-да, ҳамон тиниб-тинчимайди. Одамларга яхшилик қилишга, ўзининг бой ҳаётий тажрибасини ёшларга ўргатишга интилди. Бошқарма раҳбарияти томонидан тақриф қилинган тadbирларга, учрашувларга алоҳида масъулият билан ёндашиб, пухта тайёрланади. Хуллас, у кишини кўпчилик ажойиб



инсоний фазилатларга эга бўлган, бағрикенг, фидойи инсон, меҳрибон устоз сифатида хурмат қилади...

Қосим Олламовнинг истеъфодаги чикқанига йигирма йилдан ошган бўлса-да, ҳамон ички ишлар ходимлари билан бирга. Яқинда бошқарма раҳбарияти ҳамда фахрийлари бу инсонга юксак ишонч билдириб, вилоят ИИБ фахрийлар кенгашига раис этиб сайлашди.

– Ўз касбининг фидойилари доимо эл ардоғида бўлган, – дейди истеъфодаги подполковник Матрасул Матёкубов. – Ҳамкасбим Қосим Олламов ҳам ана шундай бахтга муяссар бўлган инсонлардан би-

ридир. Ҳаётини эл-юртга бахшида этаётган бу инсонни гоҳида маҳалла ташвиши билан, гоҳида эса фахрийлар кенгашининг хайрли ишлари билан елиб-югуриб юрганида учратасиз. Айниқса, унинг вилоят ИИБнинг «Меҳнат ва жанговар шуҳрат» музейини ташкил этишдаги хизматларини кўпчилик фахр билан тилга олади. Айни кунда ҳам фахрий ёш ходимларга Хоразм милицияси тарихини чуқур ўргатишда, уларда касб кўникмасини шакллантиришда фаол иштирок этмоқда. Бу фидойи инсоннинг ички ишлар фахрийлари билан биргалликда шаҳар ва туман ИИБларида, таълим муас-

сасаларида ўтказаятган учрашувлари, давра суҳбатлари ходимларнинг касбий маҳоратини оширишда, ёшлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ота изидан бориб, унинг касбини давом эттириш халқимизга хос хислатлардан биридир. Шу боис Қосим отанинг ўғли, катта лейтенант Дилшод Қосимов ҳам ана шундай шарафли йўлни танлаб, юртимиз тинчлигини таъминлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

Инсон умри давомида қанча кўп ибратли, савобли, хайрли ишларни амалга оширса, кези келиб, ана шундай иззатикромга, хурмат-эъти-

борга ўзи ҳам сазовор бўлади. Бугунги кунда буни Қосим Олламов ҳаёти мисолида кўриш мумкин.

– Бундай тинч ва осойишта, тўкин-сочин замонда яшаётганимизга минг бора шукроналар айтсак арзийди, – дейди истеъфодаги полковник Қосим Олламов. – Атрофимизга теран нигоҳ билан назар ташлайлик. Ҳаётимиз кундан кунга яхшиланиб, фаровонлашиб бормоқда. Шаҳару қишлоқларимиз янада обод, кўркам бўлиб, барча шароитлар, кўплаб имкониятлар яратиб бериляпти. Жажжи чақалоқлардан тортиб, нуруний кексаларимизгача алоҳида гамхўрлик кўрсатилмоқда. Айниқса, аёлларимиз саломатлигини ҳимоя қилиш, уларга меҳнат шароитларини яратиш бериш масалаларига катта эътибор қаратилмоқда. Биз бунга шунчаки томошабин бўлиб қолмасдан мамлакатимиз ривожига, унинг иқтисодий юксалишига ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим.

**Худойберган ЖАББОРОВ.**

Хоразм вилояти.

**Суратда:** истеъфодаги полковник Қосим Олламов (ўнгда) ҳамда истеъфодаги подполковник Матрасул Матёкубов.

**Саъдулла АБДУЛЛАЕВ**  
олган сурат.

## ҲАМЖИҲАТЛИК БОР ЖОЙДА...

**«Кутчи» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудуди Шаҳрисабзнинг энг сўлим гўшаларидан бўлиб, бу ерда 22 минг нафардан зиёд киши истиқомат қилади. Аҳоли асосан қишлоқ хўжалиги соҳасида, шунингдек, кичик ишлаб чиқариш корхоналарида банд. Энг муҳими, фуқароларнинг ўзаро аҳиллиги, йиғин фаоллари ҳамда профилактика инспекторининг ҳамжиҳатликда иш олиб бораётгани ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда катта ўрин тутмоқда.**

Ҳудуд катта бўлиб, унинг таркибида «Кутчи», «Чақин» ва «Ҳазаро» маҳалла фуқаролар йиғинлари мавжуд. Етти та мактаб, иккита қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Бундан ташқари, иккита қум-шағал заводи,

лейтенант Меҳрож Теляев хизматидан аҳоли мамнун, — дейди самимият билан қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Хуррам Имомов.

Ҳудудда баъзи-баъзида содир этилаётган жиноятларнинг фош этилиши, ҳуқуқбу-

бир хатти-ҳаракатни эътибордан четда қолдирмаган инспекторнинг кузатувлари бесамар кетмади. Шу қишлоқда яшовчи И. Қаюм ўзини ғалати тутиб сирни фош қилиб қўйди. Ўғирланган баллонлар у яшайдиган ҳовлидаги беда ғарами тагидан топилди. Профилактика инспекторининг сергаклиги туфайли жиноят тезда фош этилди.

Ҳа, аҳоли тинчлиги, фуқаролар ҳақ-ҳуқуқлари таъминланиши учун масъул бўлган профилактика инспекторлари маҳалла фаоллари, кўпни кўрган кексалар билан ҳам-



узум қабул қилиш пункти, иккита тикувчилик цехи ишлаб турибди.

— Ҳудудимиз осойишталигини таъминлашда 135-милиция таянч пунктнинг ўрни муҳим аҳамиятга эга. Унинг айнан йиғин биносида жойлашгани фуқароларимиз учун анча қулайлик яратмоқда. Бирон масалада келган киши муаммони шу ернинг ўзида ҳал қилишга эришяпти. Бунда, албатта, профилактика катта инспектори, катта

зарликларнинг олдини олишда профилактика инспектори фаоллик кўрсатмоқда. Масалан, яқинда Кутчи қишлоғида яшовчи И. Бозоровнинг уйи олдида турган трактор прицепа баллонлари ўғирлаб кетилди. Бундан хабар топган ҳудуд профилактика катта инспектори, катта лейтенант М. Теляев тезда суриштирув ишларини бошлаб юборди. Шубҳа қилинган шахслар билан суҳбатлашди, уларни зимдан кузатди. Ҳеч

корликда фаолият кўрсатиб, яхши натижаларга эришиб келмоқда. Чунки бу ерда аҳиллик, бирдамлик муҳити яратилган. Бундай жойда осойишталик, фаровонлик бардавом бўлиши шубҳасиз.

**Соҳибжамол АМИНОВА.**  
Қашиқадарё вилояти.

**Суратда:** Профилактика катта инспектори, катта лейтенант М. Теляев қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Х. Имомов (чапда) ва маҳалла фаоли Ф. Жомов билан галдаги вазифаларни муҳокама қилмоқда.

## «УСТОЗ-ШОГИРД» АНЪАНАСИ

**малакали кадрлар тайёрлашда муҳим аҳамият касб этмоқда**

**Терговчи ҳар доимо ўз устида ишлаб, касб маҳоратини ошириб бориши лозим. Жиноятни тергов қилиш жараёнида унинг ортида инсон тақдири турганини, биргина хато гумон қилинувчи ҳаётини барбод қилиши мумкинлигини юракдан ҳис этиши шарт. Навоий вилояти ИИБ тергов бошқармаси ходимлари ҳам ушбу масъулиятни теран англаган ҳолда хизмат қилишмоқда.**

Бошқарма шахсий таркибининг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Уларнинг маънавий дунёсини бойитиш, жисмоний ва жанговар тайёргарлигини мунтазам синовдан ўтказиб боришга алоҳида эътибор қаратилган. Бунда «устоз-шогирд» анъанаси яхши йўлга қўйилгани ижобий самара берапти. Хизматга янги қабул қилинган ёш ходимларга тажрибали терговчилар бириктирилиб, соҳанинг сир-асрорини ўргатишяпти, ҳужжатлар билан ишлаш кўникмаларини шакллантиришяпти. Шунинг учун айни вақтда вилоят ИИБ тергов идораларидаги иш ўрганувчи-терговчилар ҳам хизматга тезда мослашиб, ўзлари мустақил фаолият юритишмоқда.

Тергов идоралари раҳбарлари ва терговчиларнинг касбий маҳоратини, билим савиясини юксалтириш, хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш, назарий ва амалий кўникмаларни янада такомиллаштириш, раҳбарлик ролини ошириш бўйича ўқув машғулотларини ўтказиш йўлга қўйилган. Ушбу ўқув машғулотларига суд, прокуратура, адвокатура, суд-тиббий экспертиза, ички ишлар бошқармаси ва бошқа соҳаларнинг малакали мутахассис ходимлари жалб этилмоқда. Машғулотларда турли меъёрий ҳужжатлар ҳақида тушунтиришлар бериб бориляпти.

Соҳада турли номинациялар бўйича кўрик-танловлар ўтказиш яхши анъанага айланган. Ўтган йил якуни бўйича ички ишлар идоралари ходимлари ўртасида ўтказилган «Энг фаол қонунчилик тарғиботчиси» танловининг вилоят босқичида биринчи ўринни Кармана тумани ИИБ тергов бўлинмаси бошлиғи, капитан Тоир Нормуродов, учинчи ўринни тергов бошқармаси терговчиси, катта лейтенант Улуғбек Қаюмов эгаллаган эди. Бу йил терговчилар ўртасида ўтказилган республика кўрик-танловида қатнашган вилоят ИИБ тергов бошқармаси жомоаси «Энг яхши тергов жомоаси» номинацияси бўйича голиб деб топилди.

Бир сўз билан айтганда, вилоят ИИБ тергов бошқармаси терговчилари ўз вазифаларини сидқидилдан бажариб келишяпти. Шунингдек, улар аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёшларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

**Фахриддин ХОЛОВ,**  
подполковник.  
**Мирзокул АҲАДОВ,**  
журналист.  
Навоий вилояти.



**Избоскан тумани ИИБ паспорт бўлинмаси ходимлари яқинда янги бинога кўчиб ўтишди. Кутиш зали ҳамда еттита хонадан иборат, барча қулайликларга эга бу бино туман ички ишлар бўлимидан ташқарида жойлашган.**

— Яқингача бўлинма туман ИИБ ҳудудида жойлашган, мослаштирилган бинода фаолият кўрсатар эди. Бу эса фуқаролар учун маълум даражада қийинчиликлар туғдирарди, — дейди паспорт бўлинмаси бошлиғи, капитан Амир Назаров. — Бугунги кунда ходимларимиз ҳамда фуқаролар учун зарур қулайликлар яратилди. Ҳамма хоналар янги мебел-

лар, замонавий компьютер техникалари билан жиҳозланган. Ходимларимиз хизматдан бўш вақтида ҳудудни ободонлаштириб, мевали ва манзарали дарахтлар, гуллар ўтказишяпти.

Избоскан тумани вилоятнинг аҳолиси кўп туманларидан бири. Шунга қарамай, паспорт бўлинмасида ҳужжатларни йиғиб, биометрик паспортларни бериш бўйи-

## БАРЧА ҚУЛАЙЛИКЛАР МУҲАЙЁ

ча ишлар аниқ, уюшқоқлик билан ташкиллаштирилган. Ҳар куни юзлаб фуқаролар прописка, рўйхатдан ўтиш, паспорт олиш ва бошқа кўплаб масалалар юзасидан ушбу бўлинмага мурожаат қилишади.

Бу ерда ўз касбининг усталари ишлашади. Бўлинма бошлиғи, капитан Амир Назаров ушбу лавозимга тайинлангунича бир неча йил Андижон вилояти ИИБ хорижга чиқиш, келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимида катта инспектор вазифасида ишлаган. Ушбу бўлинмада катта инспектор, сержант Жасурбек Омонов ва инспектор, кичик сержант Иқболжон Исакулов фаолият юритади. Иқболжон Исакулов ИИБ Академияси Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларини битирган. Катта паспортчи Қимматхон Маматкулова узок



йиллардан буён паспорт бўлинмасида ишламоқда. Дилафрўз Очилова ҳам паспорт хизматида кўп йиллик иш тажрибасига эга.

— Қарияларга, ногиронларга навбатсиз хизмат кўрсатилади, — дейди капитан А. Назаров сўзининг охирида. — Фуқаролар навбатда узоқ кутиб қолмасликларига ҳара-

кат қиламиз. Бунинг учун тегишли чора-тадбирлар кўриляпти.

**Борис КЛЕЙМАН.**

**Суратларда:** Избоскан тумани ИИБ паспорт бўлинмасининг янги биноси; паспорт бўлинмаси катта инспектори, сержант Жасурбек Омонов хизмат пайтида

**Муаллиф олган суратлар.**

## ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

▼ Етук кадрлар — самарадорлик гарови

## КАСБИЙ МАҲОРАТ ДОИМО МУҲИМ

**Юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни таъминлашда юқори касбий маҳоратга эга бўлган, ҳар томонлама етук кадрлар асосий роль ўйнайди. Шу боис Боғот тумани ИИБ ШТБИГ ходимлари кадрларни танлашда уларнинг маълумоти, жисмоний қобилияти ва дунёқараш билан бир қаторда инсоний фазилатларига ҳам алоҳида эътибор беришмоқда.**

Хизмат вазифасини бажараётган ходимларнинг маънавияти, сиёсий ва ҳуқуқий билим савиясини, касбий маҳорати ҳамда жисмоний, жанговар тайёргарлигини оширишда республика ИИВнинг тегишли буйруқлари дастуруламал бўлмоқда. Ўтказилаётган кўрик-танловлар, учрашувлар, турли спорт мусобақалари, ўқув ва амалий машғулотлар ҳамда «Маърифат ва сиёсий ўқиш» дарсларида бу масалага алоҳида эътибор берилаяпти. Олиб борилаётган бундай саъй-ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даврида бўлим ходимлари томонидан қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилмади.

— Хизматга янги қабул қилинган ёш ходимнинг дастлабки касб кўникмасини шакллантиришда аввало, устоз-мураббийларимизнинг ёрдами

каттадир, — дейди туман ИИБ бошлигининг ўринбосари, майор Улуғбек Жуманиёзов. — Шунинг учун ҳам узоқ йиллар ички ишлар идораларида фаолият кўрсатиб, етарли тажрибага эга бўлган ходимларни ёшларга бириктириш масаласи анъанавий тарзда давом этиб келмоқда. Юксак ҳурмат ва эътиромга муносиб бўлган мураббийларимиз ўз зиммаларидаги вазифаларга масъулият билан ёндашиб, ёш ходимларни Ватанга муҳаббат, касбга садоқат руҳида тарбиялашда самарали ишларни амалга оширишмоқда. Устоз-мураббийларнинг жамоатчилик асосида олиб бораётган барча ишлари туман ИИБ раҳбарияти томонидан атрофлича таҳлил қилиниб, ҳар чорак натижалари бўйича рағбатлантириб бориляпти. Ўзининг фидойилиги билан ҳамкасбларига ўрнак бўлаётган майорлар Мурод Раҳимбоев, Умрбек Жуманиёзов, сержантлар Ихтиёр Хўжаниёзов, Эркинбой Йўлдошев сингари кўплаб тажрибали мураббийларни алоҳида фахр билан тилга олиш мумкин.



Юқори лавозимлар ҳамда истиқболли кадрлар захирасига киритилган номзодларнинг ўқув машғулотлари белгиланган режа асосида ўтказилиб, уларнинг лавозимларга босқичма-босқич тайинланиши йўлга қўйилган.

Ички ишлар идоралари сафни етук мутахассис кадрлар билан тўлдириб бориш мақсадида ИИВ олий таълим муассасаларида билим олиши учун муносиб номзодларни танлаш борасида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу жиҳатдан фахрийлар кенгаши ва бошқа жамоатчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар қутилган натижани бермоқда.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бўлим раҳбарияти томонидан хо-

сизлиги ҳамда паспорт тартиботи қоидаларига риоя қилмаган ва бошқа маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган шахслар ҳам аниқланиб, баённомалар тузилмоқда, уларга нисбатан қонуний чоралар кўрилиши таъминланаяпти.

— Ходимларимизга яхши хизмат қилиши, дам олиши, касб маҳоратини ошириб бориши учун қулай шароитлар яратиб берилган, — дейди туман ИИБ ҳузуридаги туманлараро кўриқлаш бўлими бошлиғи, подполковник Л. Ёркулов. — Бундай қулайликлар уларнинг ўз вазифасини виждонан бажаришга ундаяпти. Жамоадаги ахлоқий-руҳий муҳитни яхшилаш, ўзаро ҳурмат, меҳроқибатни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар хизматдаги муваффақиятлар омили бўлмоқда. Шу ўринда сержант Саҳоб Мухторов, сафдорлар Фаррух Анорбоев, Илҳом Ёқубхонов, Арслон Гулмуродов каби ходимларимиз хизматда ҳамкасбларига ўрнак бўлаётганини алоҳида мамнуният билан айтиб ўтиш жоиз.

Хуллас, туман ИИБ ҳузуридаги туманлараро кўриқлаш бўлими шахсий таркиби ўзининг самарали фаолияти билан халқ мулкани ишончли кўриқлашга, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашга қодир эканлигини амалда исботлаб келмоқда.

**Фурқат ҒАЙБУЛЛАЕВ,**  
кичик сержант.  
Жиззах вилояти.

**Рустам Сулаймонов ҳеч қачон кинолог бўламан деб ўйламагани. У Самарқанд автомобиль ва йўллар коллежини тугатгач, 2000 йилда ички ишлар идораларига қабул қилишларини сўраб мурожаат этди. У Самарқанд шаҳар ИИБ жамоат тартибини сақлаш бошқармаси ППХ батальони 3-отряди милиционери вазифасига қабул қилинди. Орадан тўққиз йил ўтиб, кинология хизмати хизмат итлари питомниги йўриқчи-кинологи этиб тайинланди. Ҳозирга қадар шу лавозимда хизмат қилиб келмоқда.**

## ҲАЁТ ТАСОДИФЛАРГА ТҮЛА

Унга «Эрос» лақабли лабрадор зотли хизмат итини бириктириб қўйишди. Кўп ўтмай Рустам тўрт оёқли ёрдамчиси билан дўстлашиб қолди. «Эрос» гиёҳвандлик моддаларини топишга «ихтисослашган». Полигонда ва машғулотлар майдонида ўтказиладиган ҳар кунги машқлар чоғида ит жуда ҳам қобилиятли эканлигини, ўз вазифасини бинойидай удалай олишини намоён қилмоқда.

Шаҳарда оммавий-маданий тадбирлар ва спорт мусобақалари ўтказилаётган пайтда катта сержант Рустам Сулаймонов профилактик тадбирларда иштирок этади: «Эрос» кўмагида тадбирлар ўтказиладиган жойларни текширади. У хизмат ити ёрдамида ўтган йили гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний айланиши билан боғлиқ бўлган 11 та ҳолатни аниқлашга муваффақ бўлди. Жорий йилда эса бу кўрсаткич бештани ташкил этди.

— Катта сержант Рустам Сулаймонов энг маҳоратли кинологларимиздан ҳисобланади, — деб таъкидлайди Самарқанд вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ кинология хизмати бошлиғи, майор Эркин Тоғаев. — У жуда ўзига талабчан, тартибли, масъулиятли ходим. Шунинг учун жамоада ҳурмат қозонган. Ҳамкасблари ундан тез-тез маслаҳат сўраб туришади. Кўп йиллик хизмат фаолияти давомида кўплаб ёш ходимларга устозлик қилди.

Рустам Самарқанд туманидаги Боғибаланд қишлоғида туғилган. Отаси Холмурод ака Самарқанд аэропортида машинист бўлиб ишлайди. Онаси Дилбар ая эса фарзандлар, набиралар тарбияси билан шуғулланади. Рустам турмуш ўртоғи Гулноза билан биргаликда уч фарзандни вояга етказишмоқда.

**Дилбар САЛОҲИДДИНОВА.**

Самарқанд вилояти.

## ФУҚАРОЛАР ИШОНЧИ ОРТИБ БОРМОҚДА

**Ғаллаорол тумани ИИБ ҳузуридаги туманлараро кўриқлаш бўлими ходими, сафдор Ш. Қосимов меҳнат таътили пайтида ўз юмуши билан Самарқанд туманидаги бозорга борганида бу ерда ўрта ёшли бир кишининг юриш-туриши унинг эътиборини тортди. Бироз кузатиб тургач, унинг қидирувдаги шахсларнинг бирига ўхшашига ишонч ҳосил қилди ва бу ҳақда тезда туман ИИБга хабар берди. Бу ерга етиб келган тезкор ходимлар унинг ҳақиқатан қидирувдаги шахс эканини тасдиқлаб, қўлга олишди.**

Ички ишлар идоралари ходимлари қачон, қаерда бўлмасин, ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этилаётганини кўрса, тезда аниқлашга, қонуний чора кўришга ҳаракат қилиши лозим. Шу билан бирга, бошқа хизматлар вакиллари билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган турли профилактик тадбирларда фаол иштирок этишлари шарт. Ғаллаорол тумани ИИБ ҳузуридаги туманлараро кўриқлаш бўлими ходимлари ҳам вилоят, туман миқёсида ўтказилаётган тезкор профилактик тадбирларда қатнашиб, кўплаб ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятларни аниқлаш ва очишда фаоллик кўрсатишмоқда.

Айни пайтда туман ИИБ ҳузуридаги туманлараро кўриқлаш бўлими ходимлари томонидан элликка яқин объект кўриқлаб келинапти. Шундан 15 таси фуқаролар хонадонларидир. Шуниси эътиборлики, кўриқланаётган объектларнинг асосий қисми

техник кўриқлаш пунктига уланган. Кўриқланаётган масканларда ўғрилик, ташмачилик каби ҳолатларга йўл қўйилмаётгани учун фуқароларнинг хизматга бўлган ишончи ортиб бормоқда. Шу боисдан ҳам жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кўриқловга олинган объектлар, хонадонлар сони кўпайди.

Ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлигини ошириш, фавқуллодда вазиятларда ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари билан ҳамкорликдаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, куч ҳамда воситаларнинг тезкор бошқарувини такомиллаштириш мақсадида мунтазам тарзда амалий-тактик ўқув машғулотлари ўтказилаяпти. Ўғирлик, ташмачилик ва талон-тарожликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирлар ҳам самарали бўлмоқда. Ходимларнинг ҳушёрлиги туфайли жамоат жойларида маст ҳолда юрган, ёнғин хавф-

димларнинг оилавий аҳволи, турмуш тарзини доимий равишда ўрганиб бориш, уларга ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, хизматини муносиб баҳолашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Туман ИИБ фахрийлар кенгаши билан ўзаро ҳамкорлик мустаҳкам қарор топгани ижобий самара берапти. Шахсий таркиб билан ўтказилаётган учрашувларга тизимда узоқ йиллар соҳада самарали хизмат қилган истеъфодаги подполковник Шоназар Султонов, истеъфодаги майорлар Комилжон Ибрагимов, Эгамберди Зарипов, Шарифбой Матназаров каби фахрийларнинг таклиф қилиниши ходимларнинг дунёқарашини бойитишда, касб кўникмасини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этапти.

Шахсий таркиб ўртасида соғлом муҳит шакллансагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин. Буни яхши англаган ички ишлар ходимлари юрт тинчлигини таъминлашдек масъулиятли вазифани шараф билан адо этиб, элнинг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлишмоқда.

**Худойберган ЖАББОРОВ.**

Хоразм вилояти.

**Суратда:** Боғот тумани ИИБ бошлигининг ўринбосари, майор Улуғбек Жуманиёзов ШТБИГ катта инспектори, катта лейтенант Дилмурод Матқубов ҳамда ёш ходим, кичик сержант Умрбек Норматов билан.

Муаллиф олган сурат.

Маърифат ва сиёсий ўқиш

# ИЧКИ ИШЛАР ИДОРЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ НУТҚ МАДАНИЯТИ

**Нутқ маданияти, аввало, инсонларнинг муомала маданияти, жамиятга онгли муносабати ва мустақил фикрлаши билан узвий боғлиқдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг муваффақияти Президентимиз Ислон Каримов таъкидлаганидек, энг аввало, мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар сифатида тарбияланиб вояга етган ёш мутахассис кадрларга боғлиқдир. Уларни тарбиялаш барчамизга, айниқса, раҳбар ходимларга, шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари зиммасига ҳам катта мажбурият юклайди.**

Ёдингизда бўлса, давлатимиз раҳбари халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида раҳбарлар ҳақида гапириб шундай дегандилар: «Раҳбарлар борки, улар ўзининг билим ва тажрибалари, инсоний фазилатлари, фидойилиги билан эл-юртнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат кўшади ва керак бўлса, инсонларга илҳом бағишлайди. Уларнинг руҳини кўтариб, қўллаб-қувватлаб, барча тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб ўтадиган азим дарёдек қудратли оқимга айлантиради». Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш жоизки, ички ишлар идораларида раҳбар кадрлар, умуман, барча ходимлар теран фикрлиги, қарорлар қабул қилишда қатъийлиги, муомала маданияти, сўзсозлик, нотиклик санъати сир-асрорларидан хабардорлиги, жамоатчилик, фуқаролар ва ўз шахсий таркиби олдига сўзга чиқиши, нутқ сўзлай олиш каби бир қатор сифатлар билан ажралиб туришлари лозим.

Ички ишлар идоралари ходимларининг ўз олдига қўйган мақсадига эришишида муомала маданияти, айниқса нутқ маданияти ўзига хос аҳамиятга эга.

Чунки ходимларнинг фуқаролар билан муомала жараёнининг асосини нутқ ташкил қилади ва унинг ёрдамида уларга ҳар қандай фикрни етказилади. Шунингдек, ходимларнинг фуқаролар билан муомаласининг 35 фоизини вербал муносабатлар ташкил қилади. Шунинг учун ҳам сўзни муомала жараёни талабларидан келиб чиқиб қўллаш, уни мавзу мазмунига мослаб талаффуз қилиш нутқ маданиятининг асосий қоидаларидан биридир.

Масалан, ходимлар фуқаронинг ким эканлигини, касб-кори, хошиш-истаги, нима-ларга мойиллиги ва қизиқишини, ўй-фикрларини, ташвишларини тезда илғаб олишлари, шуларга мос равишда жавоб топа билиш қобилияти алоҳида ўринда туради.

Ходимлар нутқининг паст-баландлиги ҳам ўзига хос аҳамиятга эга. Уларнинг нутқи шундай жаранглаши ло-

зимки, фуқаролар қалбига гўёки ноёб бир малҳам бўлиб кириб бориши, натижада ички ишлар идоралари ходимларини фуқаролар доно, кўпни кўрган, билимдон, юрагида кири йўқ, олийжаноб инсон сифатида эътироф этсин. Агар ходим фуқаролар олдига нутқ сўзламоқчи бўлса, унга олдиндан тайёрланиб, матнни ўқиб беришдан кўра, ўз фикрини суҳбат шаклида баён этса, унинг таъсирчанлиги анча ошади.

Нутқ бир маромда бўлиши, шу билан бирга, фуқаролар сонининг кам-кўплигига қараб ходимнинг овози паст, баландроқ ёки баланд жаранглаши лозим. Нутқда ишлатиладиган сўзлар, иложи борича, барча фуқароларга тушунарли бўлиши, соҳага тааллуқли бўлмаган сўзлар, шунингдек, талаффузда қийин атамалар, иборалар мумкин қадар ишлатилмаслиги мақсадга мувофиқдир. Булардан ташқари, ички ишлар идоралари ходимларининг талаффузи мусаффо бўлиши зарур. Ланж, беписанд, бепарво, эътиборсиз сўзлар, чала-ярим талаффузлар нутқ маданияти учун ёт унсурлардир.

Ходим нутқ сўзлаётганда ўзини эркин, ишончли ва дадил ҳис этиши лозим. Шу билан бирга, нутқ давомида ортиқча ҳаракатлар, имо-ишоралардан сақланиш керак. Акс ҳолда, фуқароларнинг эътибори нутқ мазмунига эмас, балки кўпроқ ходимнинг хатти-ҳаракатига оғиб кетиши мумкин. Фуқаролар олдига нутқ сўзлашда ходимнинг кўриниши, кийим-боши орасталиги ҳам муҳим жиҳатлардандир.

Одатда нутқ маданиятида «Ким гапиряпти?», «Қандай гапиряпти?», «Нима ҳақда гапиряпти?» каби саволларга тўғри жавоб топиш ва унга амал қилишга катта аҳамият берилади. Машхур ва таниқли нотиклар бу саволларнинг иккинчисига, яъни «Қандай гапиряпти?» саволига бериладиган жавобни нутқ маданиятининг асосий мезонларидан бири деб ҳисоблайди-

лар. Бундай муносабат мантқан тўғри. Чунки айтиладиган фикр, етказилаётган ахборот ва маълумотлар қанчалик мароқли, бадиият билан сайқаллашган бўлса, нутқнинг таъсир кучи шунчалик ошади. Албатта, бу ўринда гап асосий эътибор мароқ билан гапириш устида эмас, мавзу мазмуни мароқли, бадиий эҳтирос билан фуқароларга етказиш устида боряпти. Бу эса нутқ маданиятининг муҳим қадриятларидан биридир.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўз фаолиятларида нутқ маданиятининг асосий меъёрларига эътибор беришлари ва уларга риоя қилишлари зарур талаблардан биридир. Сабаби, улар ўз хизматлари моҳиятига кўра, биринчидан, ички ишлар тизимида фақат ўз касби билан эмас, балки ёш авлод тарбияси билан ҳам шуғулланишлари; иккинчидан, ходимларнинг аксарият хизмат

унинг нутқи тетик, жарангдор, янги-янги муваффақиятларга йўлловчи чақириқлар сифатида янграши зарур. Буюк боболаримиз Жалолиддин Мангуберди, Амир Темуларнинг айтган сўзлари, ваъзларидан фуқароларнинг она-Ватанга бўлган муҳаббати юз чандон ошган.

Ходимларнинг хизмат хусусияти улардан нутқ маданиятини ўзларида яхши шакллантириши, сўздан самарали фойдаланиши тақозо қилади. «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг Касб маданияти ҳақида қўлланма»нинг II бўлими 5-бандида – «Ички ишлар идоралари ходими ... нутқ маданиятини ўстиришга интилади», – дейилган. Фуқаро ходим билан муомала қилганда бир неча дақиқалар давомида у ҳақида фикри шаклланади. Шунинг учун ҳам ходим фуқаролар билан муомала жараёнида ширин сўзлашга ҳаракат қилиши лозим. Умуман, фақатгина фуқаролар билан муомала

жараёнида эмас, балки ўз ҳамкасблари билан ҳам ширин сўзлашга ҳаракат қилиши керак. Зеро, «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг Касб маданияти ҳақида қўлланма»нинг IV бўлими 16-бандида – «Ходимларнинг ўз ҳамкасблари билан сўзлашиш одоби ва муомаласи ходимнинг хизматдошлар орасидаги нуфузини белгилайди» – деб таъкидланади.

Сўз нутқ маданиятининг хомашёси бўлиб, у инсоннинг қандай одам эканлигини ўзида акс эттирувчи ёрқин меъзондир. Сўзнинг мазмунига қараб предмет, ҳодисаларни билиб олиш, инсоннинг қандай одам эканлигини пайқаш мумкин. Жумладан, ички ишлар идоралари ходимларини ҳам билиб олса бўлади. «Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ходимларининг Касб маданияти ҳақида қўлланма»нинг V бўлими 22-бандида – «Ходимлар хизмат жараёнида ва хизматдан ташқари пайтда сўзлашиш одоби, муомала маданиятига алоҳида эътибор қаратишлари лозим. Ҳар бир сўзни ўз ўрнида қўллаш, . . . инсоннинг мавқеини юксалтиради, унинг жамоадаги . . . ўрни ҳамда обрўйини белгилаб беради» – дейилган. Ички ишлар идоралари ходимлари айтаётган ҳар бир сўзга эҳтиёт бўлиши, муомалада, айниқса, нутқ

жараёнида оҳангга жиддий қарамоғи лозим. Чунки оҳанг орқали кўп нарсага эришиш ёки кўп нарсага йўқотиш мумкин. Олимларнинг фикрига кўра, ҳар қандай ахборотнинг 38 фоизи одамларга оҳанглар, урғулар ва сўзларни талаффуз қилиш усули ёрдамида етказилар экан. «Гап сўзда эмас, оҳангда», – дейди алломалардан бири. Ходим нутқининг ёқимли-ёқимсизлиги, ўринли-ўринсизлиги, фуқароларни ўзига ром этиши ёки уларни бездириши оҳангга боғлиқ жараёндир. Ходимлар фуқаролар билан тўғридан-тўғри муомала олиб борар экан, нутқда фикр-мулоҳазаларини қисқа, лўнда, тушунарли қилиб ифодалаши мақсадга мувофиқдир.

Шунингдек, ходимлар нутқ жараёнида имо-ишора, бош, кўл ҳаракатлари, тўхта-м(пауза)лардан ўринли фойдаланиши лозим. Айтиш мумкинки, бу фикрлар барча ходимларга тааллуқлидир. Лекин озодликдан маҳрум қилинганлар билан ишлаш ходимдан янада ўзига нисбатан масъулиятни ошириши талаб қилади. Чунки озодликдан маҳрум қилинганлар кўпинча, ўзига нисбатан ҳурмат билан муомала қилишни, нутқ маданияти қоидаларига риоя этишни талаб қилишади. Улар ҳуқуқшунослик мутахассислигига оид тилни ҳам анча-мунча ўзлаштиришларини инобатга олса бу ходимдан мутахассисликка оид тилни, юридик атамаларни янада чуқурроқ ва пухта ўзлаштириши талаб этади. Ходим ўз нутқида юридик атамалардан тўғри, унумли, тушунарли фойдаланишга, ҳуқуқшуносга хос фазилатларни эгаллашга интилиши ва ҳар бир юридик атаманинг маъносини билиб ишлатиши лозим. Бунинг учун эса тинимсиз изланиши, ўқиши, комил инсон бўлиши зарур. Зеро, аждодларимиздан бири – Азизиддин Насафий шу ҳақда фикр юритиб, ўзининг «Комил инсон» номли китобида «Билгилки, комил инсон куйидаги тўрт нарсага мукамал шаклда эга бўлган инсондир. Уларнинг биринчиси – яхши сўз, иккинчиси – эзгу фаолият, учинчиси – гўзал ахлоқ, тўртинчиси – илм»дир дея эътироф этганлар. Бу тўрт фазилат ички ишлар идоралари ходимларида янада мукамал бўлса, у жамиятимиз ривожини ва фуқаролар билан ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда, жиноятларнинг камайишида муҳим ўрин тутуши шубҳасиздир.

**Давлатбек ЮСУБОВ,**  
ИИВ Академияси  
кафедра бошлиғи,  
полковник.

**Ички ишлар идоралари ходимларининг ўз олдига қўйган мақсадига эришишида муомала маданияти, айниқса, нутқ маданияти ўзига хос аҳамиятга эга.**

## Қонунчилик тарғиботи

## ЯНГИ КЛАССИФИКАТОР ТАСДИҚЛАНДИ

**Мамлакатимизда касблар ва лавозимларни таснифлашнинг норматив-ҳуқуқий базасини янада такомиллаштириш, уни бозор иқтисодиёти талабларига ва халқаро амалиётга мувофиқлаштириш, янгича фикрлайдиган профессионал кадрлар тайёрланишини таъминлашда хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касблари классификаторининг ролини кучайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги Қарори билан «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификатори» тасдиқланди. Ушбу қарор 2015 йил 1 июлдан бошлаб амалга киритилиши белгиланди. Унга кўра Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги 181-сон қарори ўз кучини йўқотди.**

Классификатор хизматчиларнинг лавозимлари ва ишчиларнинг касблари номларидан фойдаланиш юзасидан ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига ёзувларни қайд этишда, меҳнат шартномалари тузишда, буйруқларни расмийлаштиришда, хизматчиларнинг лавозимларини ходимлар тоифаларига киритишда ҳамда ишга қабул қилишда ходимлар маълумотининг энг паст даражаси, ишчилар касблари бўйича тариф разрядларини белгилаш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан ташкил этил-

ган давлат корхоналари, муассасалари ҳамда ташкилотларида, хўжалик бошқаруви органларида, шунингдек, устав капиталида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган ташкилотларда қўлланилиши мажбурий ҳисобланади.

Ҳукуматнинг ушбу қарорига асосан, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигига вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва илмий марказларнинг асосланган таклифларидан келиб чиқиб, шунингдек, меҳнат бозорида янги касблар ва лавозимлар пайдо бўлишини ҳисобга олиб Класси-

фикаторга белгиланган тартибда ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилди. Шунингдек, мазкур вазирлик зиммасига 2016 йил 1 январгача бўлган муддатда Классификатор базасида Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг тармоқлараро тариф-малака маълумотномасини ишлаб чиқиш, ушбу маълумотноманинг электрон версиясини вазирликнинг расмий веб-сайтида жойлаштириш, шунингдек, маълумотномани ташкилотларнинг буюртманомалари бўйича улар орасида пулли асосда тарқатиш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, қарорда Классификаторга мувофиқ ходимларнинг меҳнат дафтарчалари ташкилотларнинг меҳнатга оид муайян ҳужжатларидаги 2015 йил 1 июлгача амалга оширилган ёзувлар ўз кучини сақлаши, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари бир ой муддатда хизматчиларнинг лавозимлари ва ишчилар касблари тармоқ тариф-малака маълумотларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиши белгиланди.

Классификатор хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларини тизим-

лаштириш, ишчиларнинг иш разрядлари диапазонини ва хизматчиларнинг лавозимлари тоифаларини белгилаш, шунингдек таълимнинг йўналиши ва даражасига қўйилган талабларни аниқлаш учун мўлжалланган бўлиб, ундан:

– корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнат шартномалари ва штат жадвалларини тузишда, ходимларнинг меҳнат дафтарчаларига ёзувларни киритишда, меҳнат шартномалари бўйича буйруқларни расмийлаштиришда, лавозимлар ва касбларни ходимларнинг тегишли тоифаларига киритишда, пенсияга доир имтиёзлар ҳуқуқини аниқлашда хизматчиларнинг лавозимлари ва ишчиларнинг касблари номларини стандартлаштириш ва бир хиллаштиришда;

– таълимнинг даражаси ва йўналишини ҳамда ходимларнинг малака тоифасини ҳисобга олган ҳолда кадрларни самарали равишда жой-жойига қўйишда;

– ишлаб чиқариш ва бошқарувнинг ҳозирги даражасидан ва ривожланиш истиқболларидан келиб чиқиб, замонавий бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи, янгича фикрлайдиган кадр-

ларни аниқ мақсадни кўзлаб тайёрлашда;

– турли ташкилий-ҳуқуқий шакллардаги ташкилотларда кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича ўқув дастурларини тузишда;

– меҳнатни ҳисобга олиш, таҳлил қилиш ва унинг статистикасини юритишда;

– ходимлар билан ишлашнинг ташкил этиш соҳасида ахборотни қайта ишлашда;

– банд аҳолини фаолият (машғул) турлари бўйича тақсимлашда;

– халқаро даражада ижтимоий-меҳнат соҳасидаги статистика маълумотларини таққослашда фойдаланишда.

Классификатор тармоқ тариф-малака маълумотномаларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 19 июндаги қарори билан тасдиқланган «Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг янгиланган классификатори» республика ички ишлар органларининг ушбу масалага ихтисослашган ва иш олиб борадиган ходимлари томонидан амалиётда фойдаланиш ва унга риоя этилиши лозим.

**Маҳмуд ОЧИЛОВ,**  
майор.

## «101»

## ХАБАР ҚИЛАДИ

Ўтган ҳафтада республикамиз ҳудудида 427 та ёнғин содир бўлганлиги қайд этилди. Турли сабабларга кўра келиб чиққан ёнғинларда олти киши тан жароҳати олган. 2,3 миллиард сўмликдан ортиқ қурилиш материаллари ва 1,7 миллиард сўмга яқин моддий бойликлар ёнғиндан сақлаб қолинган.

Андижон вилоятининг Шахрихон туманида истиқомат қилувчи Р. Акбаровнинг хонадонидан электр симларининг қисқа туташуви натижасида ёнғин содир бўлди. Бунинг оқибатида уйнинг томи, шифт қисми ва жиҳозлари зарарланди.

Юқоридаги ҳолат, яъни электр симларининг қисқа туташуви **пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида** яшовчи А. Ҳалимовнинг хонадонида ҳам ёнғин келиб чиқишига олиб келди. Натижада уй томининг асосий қисми ёниб кетди.

Ёш болаларнинг эътиборсиз қолдирилиши **Тошкент вилояти Зангиота туманида** яшовчи С. Қаҳҳоровлар оиласига қимматга тушди. Аниқроғи, болаларнинг гугурт чақиб, қоғоз ёқиб ўйнаши ёнғинга сабаб бўлди. «Тилсиз ёв» уйнинг том ва шифт қисмини ёндириб, каттагина миқдорда зарар етказди.

**Азиз ота-оналар! Болаларга эътиборсиз бўлмаңг. Уларнинг гугурт ўйнаши, газ ва электр асбобларидан фойдаланишига асло йўл қўймаңг. Шунингдек, электр симларининг яроқлилик муддатини аниқлаб, уларни янгисига алмаштириш лозимлигини ёддан чиқармаңг.**

**Жалолиддин ҲАКИМОВ,**  
майор.

## ИИБ Матбуот хизмати хабарлари

## ЙЎЛДАГИ ЗЎРАВОНЛАР



Чирчиқлик Ю. Наримон кечкурун ишдан уйига қайтаётган эди. Бир пайт унинг олдидан уч нафар нотаниш йигит чиқиб, йўлини тўсди. Сўнг ҳеч бир сабабсиз Наримонни уриб, ундан пул талаб қилишди. Пул тополмагач эса, унинг уяли телефонини тортиб олиш-

ди ва воқеа жойидан қочиб қолишди.

Жабрланувчи ички ишлар идораларига хабар бергач, зудлик билан ҳолат юзасидан зарур чоралар кўрилди. Олиб борилган тезкор-қидирув ва суриштирув ишлари натижасида ушбу талончилик чирчиқлик Б. Фарход, Н. Икром ва С. Ойбек томонидан содир этилгани аниқланиб, улар қўлга олинди.

Ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб бориляпти.

## ДЕВОР ОШГАН ҲАМҚИШЛОҚ

Бухоро вилоятининг Пешку туманида яшовчи М. Робия туман ИИБга ариза билан мурожаат қилди. Аризада кимдир унинг уйига кириб, 1500 АҚШ долларини ўғирлаб кетгани айтилган эди.

Мазкур ҳолат юзасидан ички ишлар идоралари ходимлари томонидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ўғирликни жабрланувчининг ҳамқишлоғи Б. Мўмин содир этганлиги аниқланди. Маълум бўлишича, у М. Робиянинг ховлисида тунда девор ошиб кириб амалга оширган экан.

Энди гумон қилинувчининг қилмишига тергов жараёнида ойдинлик киритилади.



## КУЧИ ҚИЗ БОЛАГА ЕТДИ



Юртимизда азалдан хотин-қизларга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатиб келинган. Уларнинг кўнглини оғритиш, жабр-ситам етказиш гуноҳ саналган. Таассуфки, қуvasойлик М. Сардор бунинг унутган шекилли,

ҳамшаҳри Ж. Зилолани кўрқитиб, унга дўқ-пўписа қилиб, қимматбаҳо уяли телефон апаратини тортиб олди.

Жабрланувчи бу ҳақда тезда ички ишлар идораларига хабар берди. Шу асосда тегишли чоралар кўрилди. Кўп ўтмай ҳуқуқбузар қўлга олинди, жиноят иши қўзғатилди.

Тергов ҳаракатлари якунига етгач, М. Сардор қилмишига яраша жазосини олиши тайин.

## БЕЗОРИ ҚЎЛГА ОЛИНДИ

Тунда пойтахтимизнинг Чилонзор туманида кетаётган О. Жамолнинг йўлини нотаниш кимса тўсди. Аввал ҳе йўқ, бе йўқ Жамолни ҳақоратлади, кейин уриб унга тан жароҳати етказди ҳамда кўздан ғойиб бўлди.

Туман ИИБ ходимлари олиб борган тезкор тадбирлар ўз самарасини берди. Безори узоққа кетолмади. Учтепа туманида яшовчи А. Абдуқаҳҳор тезда ушланиб, туман ИИБга олиб келинди.

Ҳозирда ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.



**Шерали АНВАРОВ,**  
майор.



Маҳалла тинч – юрт осойишта

# ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

**Юртимизда мустақиллик йилларида маҳаллалар фаолиятига давлат даражасида аҳамият қаратилди. Бу борадаги аниқ мақсадли ишларнинг кўлами янада кенгайди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ривожини учун барча шарт-шароитлар яратиб берилди.**

Ёш авлодни тарбиялашдаги аъёнларни ривожлантирадиган, шахсни жамиятга фойдаси тегадиган комил инсон бўлиб етишига тамал тошини қўядиган ва миллий қадриятларимиз ривожига муносиб ҳисса қўшадиган муқаддас масканлар эндиликда ҳар жиҳатдан ибратли ташаббуслар билан нафақат юртимиз ривожига ҳисса қўшмоқда, балки хорижликларнинг ҳам эътиборини тортмоқда.

Бугун республикамизда фаолият кўрсатаётган ўн мингдан ортиқ маҳаллаларда яшаётганлар дориламон кунларнинг қадрига етиб, эртаси янада яхшироқ бўлиши учун эзгу ишлар сари интилишмоқда.

Ўз истиқболи, фуқароларнинг тақдирини юртимиз келажига боғлаб катта ишонч билан дадил ҳаракат қилаётган, тора чирой очиб бораётган маҳаллалардан бири пойтахт вилоятининг Оққўрғон туманида жойлашган. Унга «Бирлик» деб ном берилгани ҳам бежиз эмас. Чунки азалдан ушбу маҳаллада умргузаронлик қилаётган 595 та хонадон аҳли бу жойда бирор ишга қўл уришса, биргаликда, ҳамжиҳатликда амалга оширишга одатланишган. Ана шунинг учун ҳам улардан туман аҳли ҳаммиша ўрнат олишга ҳаракат қилишади.

Маҳмуда Мирзаева маҳалла фуқаролар йиғини раиси вазифасига сайланиб, майор Камолддин Исроилов худудий профилактика катта инспектори этиб тайинлангандан сўнг аввал қарор топган аъёнлар янада ривожлантирилиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги ортиб бормоқда. Ишсизликка барҳам берилди, яъни тадбиркорлик ва ишбилармонликка таяниб, худудда кичик корхона ҳамда цехлар қурилди. Бундан ташқари, фуқароларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтиши учун ижодкор, санъаткорлар, ибратли оилалар бошлиқлари, туман, вилоят халқ депутатлари, сиёсатшунослар билан доимий равишда ташкиллаштирилаётган учра-

шувлар, оилавий спорт мусобақалари одамларнинг дунёқарашини кенгайтириб, бугундан кўра эртага яхшироқ яшашга одатлантирди.

Буларга эришиш учун профилактика инспектори ва маҳалла раиси фаоллар ҳамкорлигида ҳар бир хонадон аҳолининг оилавий аҳоли, дунёқараш ва психологиясини тўлиқ ўрганиб чиқишди. Бу жараёнда кимнинг ким экани яққол кўриниб қолди. Маҳалла паспорти ва харитаси тузиб олингач, мавжуд кўчалар учга бўлиниб, ҳар биридаги тартибқоида ва бошқа ишлар учун масъуллар бириктирилди.

Шунингдек, биринчи галда вақтинчалик ишсиз, жиноят содир этишга мойил кишилар рўйхати тузилиб, уларни доимий иш билан таъминлаш учун барча имкониятлардан фойдаланилди. Жумладан, хонадонлардан тўртасига ҳуқуқий маслаҳат берилиб, оилавий тадбиркорликка асос солинди. Уларнинг тикиш-бичиш, эшик-ром ясаш, қандолатчилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби кичик цехлар очилишига кўмаклашилди. Ҳозир бу жойларда маҳалланинг 50 нафардан зиёд ёшлари ҳам меҳнат қилишмоқда, ҳам ҳунар ўрганиб, истеъмол бозорини тўлдиришга муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Касб-ҳунар коллежи ва бошқа ўқув юртларини тугатиб келаётган ёшларни иш билан таъминлашга биринчи галдаги вазифа сифатида эътибор қаратилди. Бунда мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланилиб, маҳалла худудидаги давлат ва хусусий корхоналар билан мустақам алоқа ўрнатилиб, истиқболга йўғрилган уч томонлама шартномалар тузилди. Мазкур шартномаларга кўра, корхоналар маҳалладан келаётган ёшларни иш билан таъминлаши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ишчи кучини етказиб бериши, профилактика ин-

спектори эса уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериб, қонун устуворлигини таъминлаши ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши кўзда тутилган.

Ўзaro ҳамкорликнинг бу усулида афзалликлар кўп экан: мана, Бирлик маҳалласидан шартнома асосида 300 нафарга яқин турли ёшдаги кишилар ижтимоий фойдали меҳнат билан банд. Бундан ташқари, ўтган вақт мобайнида бирорта ҳам ҳуқуқбузарликлар содир этилмади. Чунки маҳаллада бекорчи юрган одамнинг ўзи йўқ. Энг асосийси, ишлаб чиқариш корхоналари

бўлиб, уларда турли миллат вакиллари яшашади. Бу жойлардагиларнинг турмуш кечирishi тарзи ҳовлида яшовчиларниқидан биров фарқ қилади. Ана шунинг учун ҳам бу тафовут бўлмаслигига эришиш мақсадида икки йил аввал оқсоқол ва профилактика инспектори фуқароларни йиғиб, ҳашар йўли билан кўп қаватли уйлар атрофида спорт майдончалари қуриш ҳамда худудни ободонлаштириш таклифи билан чиқишганди.

Бу ташаббус қўллаб-қувватлангани ва хайрли ишга барча бир оиладек бош қўшгани ту-

лаб беришган бўлса, маҳалла фаоллари кўмагида туғма ногиронларга замонавий эшитиш мосламаси, аравачалар олиб берилди. Кўп болали, кам таъминланган оилаларга ҳам навбати билан моддий ёрдам кўрсатила-япти, худуддаги фермерлар ўзлари етиштирган маҳсулотлардан уларга улашапти.

Ушбу маҳаллада оқсоқол ва профилактика инспекторининг узоқни кўзлаган истиқболли ҳамкорлигига яна кўп мисоллар келтириш мумкин. Зотан, ўтган йиллар давомида давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан бу жойларни замон талабларига мослаштириш қаторида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган қонунлар қабул қилингани оқсоқоллар учун ҳам, бу масканлар тинчлик-осойишталигини таъминлаб, жиноятчиликка қарши курашиши ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга масъул бўлган профилактика инспекторлари учун ҳам дастуруламал вазифасини ўтамоқда.

Фуқароларнинг қувончу ташвишига шерик бўлиб, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашни ўз бурчи деб билган Маҳмуда Мирзаева ҳамда Камолддин Исроиловдан маҳалла аҳли миннатдор. Чунки ҳар қандай чигал ишлар, фуқаронинг ечим топмаётган муаммолари ана шу фидойи инсонларнинг бевосита аралашуви билан ҳал этилапти.

Одамларга яхшилик улашиб, уларнинг ҳурмат-эътиромига сазовор бўлиш маҳалла раисига ҳам, профилактика инспекторига ҳам куч-қувват бағишлаб, эзгулик йўлидаги мақсадга эришиш сари янада шижоатлар кўрсатишга ундамоқда. Бундай бахтга эришиш эса осон эмас. Унинг замирида ҳалол меҳнат, эл-юртни севиш ва келажак учун қайғуриш мужассам...

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ.**  
Тошкент вилояти.  
**Шавкат ҚАҲҲОРОВ**  
олган сурат.



ва хусусий цехларда малакали кишилар меҳнат қилаётгани учун тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати ортган, тадбиркорлар олган даромади ҳисобидан фаолиятини кенгайтириб, янги цехлар қуриш ва лойиҳаларни амалга ошириш имкониятлари кенгаймоқда.

Мақола аввалида барча қадриятларимиз дастлаб маҳаллаларда шаклланишини эътироф этгандик. Маҳалла аҳли азалий аъёнларимизга таяниб, жуда кўплаб хайрли ишларни қилишаётганини кўриб, юқорида таъкидлаганимиздек, эндиликда тумандаги бошқа маҳаллаларда яшовчилар ҳам улардан ўрнак олмоқда. Жумладан, худудда қирққа яқин кўп қаватли уйлар

файли ҳозирги кунда ҳар бешала кўп қаватли уй олдида замонавий спорт майдончалари бунёд этилиб, болажонларнинг сеvimли масканига айланган.

Мустақил юртимизда инсон манфаати устуворлигини, шу муқаддас Ватанда ҳеч ким муҳтожлик нималигини билмаслиги кераклигини мазкур маҳаллада яшовчилар ҳам чуқур англашган. Гап шундаки, кўп қаватли уйларда турувчилар орасида уч нафар боқувчисини йўқотган, икки нафар туғма ногирон фуқаро ҳамда тўртта кўп болали оила яшайди. Уларнинг турмушини яхшилаш чора-тадбирлари кўрилган. Тадбиркор ва ишбилармонлардан бир нечаси боқувчисини йўқотганларнинг хонадонини таъмир-

## ▼ Мулоҳаза учун мавзу

# Ҳавога учаётган вақт

Эрталабдан кимдир ишга, кимдир ўқишга ва яна биров қандайдир юмуш билан йўлга чиққан. Автобус бекатда тўхташи биланок ўн беш-йигирма чоғли одам ўзини ичкарига урди. Улар орасида бир отахон ҳам амаллаб автобусга чиқди-ю, ичкарироққа ўтмоқчи бўлди. Сўнг йўлини тўсиб турган ўсмирга қарата шундай деди:

– Болам, йўл бергин, ўтиб кетай.

Қулогига наушник тикиб олган, уяли телефонига тикилганча нима биландир машғул йигит эса отахонга эътибор ҳам бермади...

Мен ён-атрофимдаги ёш-яланларга, кўринишидан коллеж ўқувчилари ва олий ўқув юртлари талабалари бўлган йигит-қизларга атрофлича разм солдим. Деярли барчасининг қўлида қимматбаҳо уяли


телефон аппарати, деярли барчаси наушник тақиб олган. Уяли телефонидан бош кўтармаётган бу ёшларни яна анча кузатиб, менда уларда ён-атрофда бўлаётган воқеликка нисбатан бефарқлик рефлекс шаклланмаётгани, деган савол туғилди.

Ҳа, афсуски, бугун кўча-кўйда, жамоат жойларида ёшларимизнинг замонавий уяли телефонлар орқали интернетга кириши, турли ижтимоий тармоқларга «шўнғиб» кетиши одатий ҳолга айланди.

Тўғри, интернет имкониятларидан оқилона фойдаланаётган ўғил-қизларимиз ҳам талайгина. Бирок онлайн мулоқотга мук-

касидан кетган, ўзи билмаган, танимаган виртуал оламдаги «дўсти» билан уззукун бўлар-бўлмас мавзуларда «сўзлашаётган» ёшларимиз ҳам борки, бу кишини хавотирга солмасдан қўймайди.

– Ижтимоий тармоқлардан доимий фойдаланиш шахсининг ўзаро муомала-муносабатини чеклаб қўяди, – дейди психология фанлари номзоди Раъно Исмоилова. – Шу билан бирга, интернетга боғланиб қолганларнинг ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тасавури ҳам бузилади. Айниқса, мактаб ўқувчиларида шахсий ҳис этиш қобилияти сусаяди. Тўғридан-тўғри му-



лоқот ўрнатиш маданияти шаклланмайди, ҳатто бола гапираётган гапининг суҳбатдошига таъсири ҳақида ўйламайди ҳам. Яна бир томони, бундай болалар кўпинча замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни ипидан-игнасиғача билса-да, катталарга ҳурмат, жамоат жойида ўзини тутиш каби одоб-ахлоқ меъёрларидан беҳабар қолаверади.

Қаранг, аслида мана шу эмасми, ижтимоий тармоқлар бизга яратган қўлайликнинг «тотли» меваси. Демак, бугун кичик бир одобсизлик эртага турли кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкинлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим. Бунинг учун болаларда, ёшларда интернетдан меъёрида ва оқилона фойдаланиш кўникмасини шакллантириш лозим. Ана шунда улар вақтларини ҳавога совуриб, олтинга тенг ёшлик даврини бесамар ўтказмаган бўларди.

**Нодир ТОШКОНБОВ,**  
катта сержант.





## Бир ҳодиса тафсилоти

**Соат миллари тунги иккени кўрсата бошлаган вақтда вилоят ИИБ ЙХХБ навбатчилик қисмига Қарши тумани ҳудудидаги катта йўл ёқасида номаълум кимсанинг мурдаси топилгани ҳақида хабар келиб тушди.**

— Хабарни олишимиз билан зудлик билан ҳодиса содир бўлган жойга етиб бордик, — дейди вилоят ИИБ ЙХХБ алоҳида йўл-патруль хизмати батальони командири, подполковник Э. Курбонов. — Вилоят ИИБ тергов-тезкор гуруҳи билан биргаликда воқеа жойини, мурдани кўздан кечириш бошладик. Мурданинг юз қисми ғоятда ачинарли тарзда мажақланган эди. Қорин қисмида ҳам чуқур жароҳат излари кўриниб турарди. Тез орада унинг шахси аниқланди. Номаълум транспорт воситаси томонидан уриб юборилган бу кимса Нишон туманида яшаган, 1980 йилда туғилган Николай Гришко экани маълум бўлди. У олган жароҳат натижасида воқеа жойида ҳаётдан кўз юмганди.

Тергов-тезкор гуруҳи аъзолари воқеа жойини такорр-такорр кўздан кечириб чиқишди. Лекин бирорта ҳам ашёвий далил кўзга ташланмади. Бунинг устига, воқеани кўрдик, гувоҳи бўлдик, деган одам ҳам топилмасди.

Шундан сўнг зудликда вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Фарҳод Ҳасанов ҳамда вилоят ИИБ ЙХХБ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Эркин Курбонов бошчилигида тезкор штаб тузилди. Вилоят ички ишлар идораларининг юз нафардан ортиқ ходимлари қидирув ишларига жалб этилди.

— Тумандаги барча маҳаллар, автокорхоналарни текшириб чиқиш лозим, — деди Фарҳод Ҳасанов тезкор штаб аъзоларини тўғри экан. — Шу атрофдаги ташкилот ва муассасалар, корхоналардаги ташқи видеокузатув камераларини ўрганиб чиқиш ҳам ишимизга оидинлик киритиши мумкин. Ҳеч бир нарса эътиборсиз қолмасин.

Топшириқни олган ходимлар тезда жой-жойларига жўнаб кетишди. Ва тез орада турли русумдаги юздан ортиқ транспорт воситалари синчковлик билан текширувдан ўтказилди.

Бу орада воқеага бироз оидинлик киритилди. Йўл-транспорт ҳодисасидан олдин марҳумни кўрган ҳайдовчи топилди.

— Ўша пайт соат нечилар эди? Айнан қаерда кўргандингиз? — сўради ходимлардан бири.

— Тахминан соат бирлар эди, — деди ҳайдовчи. — Мен машинага газ куйиш учун кетаётганим. Файзиобод қишлоғидаги бекат яқинида бир йигит маст ҳолда йўл ўртасида гандираклар бораётганиди. Қўлидаги оқ рангли бош кийимини силкитиб машина тўхтатишга уринаётганиди.

— Сиздан бошқа яна қандай машиналар ўтди, эслай оласизми?

— Мендан кейин яна учта юк машинаси ёнилғи куйиш шохчаси томонга борди. Қарама-қарши томондан ҳам бир неча юк автомобиллари, енгил машиналар ўтди.

— Уларнинг русуми ва давлат рақамини эслай оласизми?

— Қоронғи эди, эътибор қилмадим. Ҳа, айтмоқчи, оқ рангли «Малибу» машинаси ҳам бор эди.

— Нега айнан «Малибу»ни эслаб қолдингиз?

— Чунки у олдиндаги юк автомобилни қувиб ўтди. Қоида-

гандираклар йўлнинг қатнов қисмига чиққан. Рўпарадан келаётган машинани кўриб унга қўл кўтарган. Ҳайдовчи жуда яқин келганда уни кўрган ва рулни кескин буриб ўнг томонга машинани олиб қочган бўлиши мумкин. Оралиқ масофа яқин бўлгани боис автомобиль кузови марҳумнинг бош қисмига урилган. Мана, қаранг, аксарият юк автомобилларининг кузови мана шундай темирлар билан муштак-камланади. Бу темир тезликда келаётганда ҳар қандай нарса болтадек чоғиб ўтиши аниқ,

га унинг юзи аниқ тушган эди. Ана шу ҳайдовчининг сурати тайёрланиб, ходимларга тарқатилди. Улардан бири эса суратдаги ҳайдовчи йигитни таниди.

Ўзини Диёрбек деб таништирган ҳайдовчи зудлик билан тезкор штабга олиб келинди ва унга тасвирлар кўрсатилди. У тасвирга узоқ вақт тикилиб турган, автомобилнинг давлат рақамини эслай олмаслигини, бунга эътибор қилмаганлигини таъкидлади. Аммо улар машина тағларини синчковлик билан текшираётганини кўрганлигини

Ҳайдовчини сўроққа тутишди.

— Машинани қаерда ювгансиз? Шохобчадами ёки уйда?

— Уйда. Мен тўйга кетган эдим, акам ювиб қўйибди, — жавоб берди Диёрбек.

Экспертлар машина ювилган жойни синчиклаб текширишди. Бу ўз натижасини берди — учтўртта соч толаси топилди. Улар биологик экспертизага жўнатилди.

Бу вақтда Диёрбекнинг машинаси бузилиб қолган жой ҳам кўздан кечирилди. Бу ердан газ трубкасининг эҳтиёт қисми топилди.

— Мана, шуни алмаштирдим, — деди Диёрбек.

Биологик экспертиза анча вақт талаб қиладиган жараён. Ҳамма унинг натижасини интиқлик билан кута бошлади. Агар ўша топилган соч толасари марҳумники билан бир хил бўлиб чиқса, барчасига оидинлик киритилади, жиноят фош этилади. Шунинг учунми, ўша дақиқалар келишига яқин қолган пайтда Диёрбекнинг асаблари дош бера олмади.

— Машинага нимадир тарақлаб урилганини эшитдим, — деди у бошини эгиб. — Озгина юриб йўл четига тўхтадим.

— Ҳўш, нима урилган экан?

— Билмадим, қоронғида кўринмади, — деди у яна ёлғон гапириб. — Кейин машинам ўт олмай қолди. Отамга қўнғироқ қилиб маслаҳат сўрадим. Кейин... кейин...

У гапира олмай қолди. Шундоқ ҳам ҳаммаси тушунарли эди. Йўл-транспорт ҳодисасини Диёрбек отасига тегишли бўлган «ГАЗ-53» русумли юк автомобилда содир этганди. Одам уриб юборган тўхтаган. Марҳумнинг мажақланган башарасини кўрган-у, қўрқиб машинасига ўтириб воқеа жойидан қочиб кетган.

Уч кечаю уч кундуз олиб борилган машаққатли меҳнат ўз самарасини берди. Бу орада экспертлар хулосаси ҳам тайёр бўлди. Соч толасари марҳумники эканлиги аниқланди.

Мақоламизга шу жойда нуқта қўйсак бўларди. Аммо қанчалик аччиқ бўлса-да, бир ҳақиқатни айтишимиз шарт. Йўл-транспорт ҳодисасини ҳеч ким атайин содир этмайди. Бу эҳтиётсизлик ва эътиборсизлик оқибатида юз беради. Афсуски, аксарият ҳолларда ҳайдовчилар шундай вазиятга тушиб қолишганда жиноий ҳолатни оғирлаштирувчи хатти-ҳаракатларни амалга оширишади. Тўхтаб жабрланувчига ўз вақтида ёрдам кўрсатиш, бир инсоннинг ҳаётини асраб қолиш ўрнига қочиб қолишади, қилмишини яширишга уринишади. Билишмайдики, бу билан фақат ўзларига жабр қилишади.

Донишмандлардан бири «Инсон қанчалик эл орасида шармисор бўлмасин, номини оқлашга доимо имконият топилди», деган экан. Шу нуқтаи назардан келиб чиққанда, билмасдан жиноят қилиб қўйганини тушуниш мумкиндир, аммо жавобгарликдан қўрқиб, воқеа жойидан қочиб қолиши ана шу сўнги имкониятни бой бериш, деб баҳолаш ўринлидир.

**Лутфилла ЭСОНОВ,**  
майор.

*Қашқадарё вилояти.*



га зид ҳолда қувиб ўтгани учун эсимда қолганиди.

— Ҳўш, кейин-чи?

— Соат 01.25ларда ёнилғи қуйиб ортимга қайтдим. Бу вақтда воқеа содир бўлган экан...

Ҳайдовчи чиқиб кетган, ходимлар у берган маълумотни ўрганишни бошлашди.

Қидирув ишларига тажрибали экспертлар жалб этилди. Биринчи навбатда марҳумнинг жароҳатидан келиб чиққан ҳолда уни қайси турдаги автотранспорт воситаси уриб кетганини аниқлашга эътибор қаратилди. Кўп ўтмай экспертлар марҳумнинг кийимларида протектор излари топилмаганлигини маълум қилишди. Лекин унинг оёқ кийими текширувдан ўтказилгач, якуний хулосаларини билдиришди.

— Марҳум пойабзалининг тагида ишқаланишдан қолган излар бор. Бундай излар тик турган одамни транспорт воситаси уриб юборганида қолади, — деди эксперт. — Агар ётган ҳолатида бўлганида бу излар бўлмас эди.

— Марҳумнинг бўйи тахминан 170 сантиметрлар атрофида, — қўшимча қилди вилоят ИИБ ЙХХБ ахборот-диспетчерлик хизмати бошлиғи, подполковник Алишер Хўжаев. — Жароҳат натижасида унинг юз ва бош қисми ярми мажақланган. Елка қисмида иккита жароҳат ўрни бор. Келинг, шу ерда марҳум юк машинаси томонидан уриб юборилган дея тахмин қилиб, текшириб кўрамиз. Пиёда маст ҳолда

— Шу ерда ҳайдовчи пиёда ни умуман кўрмай қолган бўлиши ҳам мумкин-ку, — деди 3-ЙПХ отряд командири, подполковник Ф. Мухторов. — Уриб юборилган сўнг кўрқиб кетиб қочиб қолган. Воқеа жойидан бироз нарида топилган қон доғлари автомобиль маълум муддатга тўхтаб турганлигидан далолат беради.

— Демак, тахминларни умумлаштирсак йўл-транспорт ҳодисаси юк автомобилда содир этилган, — деди подполковник Фарҳод Ҳасанов. — Унда кўпроқ эътиборни юк автомобилларига қаратиш керак.

Орадан уч кун ўтди. Лекин жиноят фош этилмас, уриб юборган машина ҳам ҳадеганда топила қолмасди. Бу орада ёнилғи қуйиш шохобчасига ўрнатилган видеокузатув камераси тасвирлари ўрганиб чиқилди. Ўрганиш жараёнида фургон кузовли «ГАЗ-53» автомобили ходимлар эътиборини тортди. Чунки ёнилғи қуйиш жойига келгач, негадир ҳайдовчи жойидан тушмаган, унинг ўрнига ёнидаги йўловчи тушиб, машина тағларини, кузовни кўздан кечириш бошлаганди. Бироқ камера узоқда эканлиги туфайли бу тасвирлар аниқ тиниқ эмас, уларнинг шахсини ёки автомобилнинг давлат рақамини аниқлашнинг имкони йўқ эди. Хайриятки, худди шу вақтда уларнинг ёнидан бошқа бир юк автомобили ҳайдовчиси ўтиб, камерага яқин жойга келиб қолган, шу боис камера-

маълум қилди. Бу орада ундан марҳумни кўрган-кўрмаганлигини, ҳодиса содир бўлиши ораллигида ўзи қаерда бўлганлигини суриштиришди. Маълум бўлишича, Диёрбек ўша куни йўлда маст ҳолда юрган кишини кўрган. Ўша жойдан 20-30 метрлар ўтганида машинаси бузилиб қолган ва йўл четига тўхтаган. 20 дақиқалар ораллигида уни созлаган ва газ қуйиб ортга қайтган. Қайтган вақтда воқеа жойида тўғрилик турган одамларни кўрган.

Кузатув камералардан олинган тасвирлар, суриштирувлар, экспертиза таҳлиллари асосида воқеа соат тунги 01.15ларда содир этилган, деган тўхтама келинди. Диёрбекнинг бу ердан ўтган вақти ҳам айнан шу вақтга тўғри келарди. Демак, у йўл-транспорт ҳодисасини ким ва қандай автомобилда содир этганлигини кўрган бўлиши мумкин. Ёки... Ахир, ушбу воқеадан сўнг Диёрбек уч кунга ишга ҳам чиқмаган, телефони ҳам ўчириб қўйган. Бу каби ҳолатлар, албатта, шубҳа уйғотади. Бундан ташқари, машинаси бузилиб қолганида 20 дақиқача шу ерда уни тузатдим, дегани ҳам бироз ишонарсиз эди. Бу шубҳалар Диёрбекнинг автомобилни синчковлик билан кўздан кечиришга сабаб бўлди.

«ГАЗ-53» русумидаги юк автомобилни олиб келишганида тезкор ходимлар эътиборини жалб қилган биринчи жиҳат унинг ярми ювилгани бўлди.

Эҳтиёт шарт!

# СУЗАМАН ДЕБ СУВДА ЧЎККАНЛАР


Ёзнинг жазирама кунларида кўпчилик табиат кўйнига, сув ҳавзаларига ошиқади. Негаки, йилнинг бу фаслида чўмилиш кишига роҳат бағишлайди. Лекин дарё ва сойлар, канал ва анҳорларда чўмилишда эҳтиётсизликка йўл кўйилиши оғир оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Табиат бағридаги ана шундай очик сув ҳавзаларида чўмилиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатларнинг рўй бераётгани буни тасдиқлайди.

Бу йилги ёзги таътил даврида болажонларимиз турли оромгоҳларда мароқли дам олишмоқда. Албатта, оромгоҳларда ўғил-қизларнинг чўмилиб мириқиб дам олиши учун сув ҳавзалари мавжуд. Уларнинг бу сув ҳавзаларида чўмилишлари сузиш бўйича мутахассислар ва тарбиячилар назоратида амалга оширилади. Энг муҳими, барча хавфсизлик чоралари кўрилган. Аммо очик сув ҳавзаларида чўмилишни хуш кўрадиган болалар ҳам бор. Бундай жойларда чўмилишда турли хатарлар мавжудлиги барчага маълум. Шу боис эҳтиётсизлик оқибатида бир-икки дақиқа сув остида қолиб кетиш инсон ҳаёти учун нақадар хавфли эканини, ҳаёт-мамонт ўртасидаги ана шу лаҳзалар ҳатто ўлим билан туғаш мумкинлигини асло унутмаслик керак.

Эҳтиётсизликни унутиш, ўз кучига ортиқча ишониш ёки спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда сув ҳавзасига тушиш оқибатида сувда чўкиб ҳаётдан кўз юмаётганлар сони салмоқли экани кишини ташвишлантиради.

Шу ўринда айрим мисолларга мурожаат қилсак. Жорий йилнинг 22 июни куни Фарғона вилоятининг Кува туманидаги 12-мактабнинг 9-синф ўқувчиси К. «Омад сойкелди» фермер хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи «Фарғона» каналида чўмилаётиб, эҳтиётсизлиги оқибатида чўкиб кетган. Олиб борилган қидирув ишлари натижасида унинг жасади

каналнинг Гулистон қишлоғи ҳудудидан оқиб ўтувчи қисмидан топилган. Суд-тиббий экспертизаси хулосасига кўра, у нафас йўлларида сув билан беркилиши оқибатида келиб чиққан механик асфикция оқибатида ҳаётдан кўз юмгани аниқланган.



Худди шунингдек, Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги мактаблардан бирининг 7-синф ўқувчиси С. уйи олдидан оқиб ўтувчи «Қорасув» дарёсида, Бухоро вилоятининг Гиждувон туманидаги маиший хизмат кўрсатиш касбхона коллежининг 1-босқич ўқувчиси Т. эса «Зарафшон»

дарёсида чўмилаётганида чўкиб кетган.

Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод туманида яшаган 1992 йилда туғилган фуқаро И.нинг жасади Самарқанд туманидаги Жарқишлоқ маҳалласи ҳудудидан оқиб ўтувчи «Дарғом» каналдан топилган. Маълум бўлишича, у ушбу каналда чўмилаётганида эҳтиётсизликка йўл кўйган.

Халқимизда «Ёмонини айтмасанг, яхшиси келмайди» деган ибратли нақл бор. Юқоридаги мисолларни келтиришимизда н кўзланган мақсад ушбу кўнгилсиз воқеалардан бошқаларни огоҳ этиш, шу каби бахтсиз ҳодисалардан сақланишдир. Шундай экан, болаларимиз ва ўсмир-ёшларимизга имкони бўлса, аввало, сузишни ўргатиш, қандай жойда, қандай тартибда чўмилиш мумкин-у, қандай жойда ва қандай ҳолатда чўмилиш мумкин эмаслигини ўргатиш – биз, ота-оналарнинг зиммаимизда-

ги вазифа. Бу вазифани адо этсак, чўмилиш билан боғлиқ кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олинган бўларди.

Мақоламиз сўнггида республикаимизда Ички ишлар ҳамда Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда сув ҳавзаларида содир бўлиши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш борасида муайян тадбирлар амалга оширилаётганини таъкидлашни истардик. Хусусан, ўтказилаётган «Сувда хавфсизликни таъминлаш ойликлари» доирасида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилмоқда. ИИБ, ФВВ ходимлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаоллари ҳамда жамоатчилик вакиллари жалб этилган ҳолда огоҳлантирув-профилактик тадбирлари ўтказилди.

**Зикрилла НЕЪМАТОВ,**  
ИИБ ИХХҚ ва ЮТБ Оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлими бошлиғи, полковник.

Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт \*\*\* Спорт

## ЁШ ДИНАМОЧИЛАР ЮТУҒИ

Ўқувчиларнинг ёзги таътил кунлари давом этаётган айни кунларда Жиззах вилояти «Динамо» ЖТСЖ спорт мажмуаси болалар билан янада гавжумлашиб боряпти. Бу масканда спортнинг ўндан ортиқ тури бўйича тўғараклар ишлаб турибди. Шуниси қувонarliки, болалар спорт билан шуғулланиш баробарида турли микёсдаги нуфузли мусобақаларда ҳам иштирок этишмоқда.

Яқинда Фарғона шаҳрида ўсмирлар ва болалар ўртасида ўтказилган яккакурашнинг таэквондо ITF тури бўйича Осиё чемпионатида жаззахлик ёш спортчилар ҳам татамига чиқдилар. Виллоят «Динамо» ЖТСЖда иштирок этаётган Моҳичехра Баратова 50 килограммлар вазнида республикаимиз шарафини химоя қилди. У барча рақибларини енгиб, шохсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади ва олтин медаль соҳиби бўлди. 35 килограмм вазн тоифасидаги ёш таэквондочилар орасида эса Умиджон Эрматов кумуш медалини қўлга киритди.

Ўз мухбиримиз.

## Қиличбозлик

### ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА БЕШ НАФАР ҲАМЮРТИМИЗ

Яна бир кундан сўнг, аниқроғи, душанба куни Москва шаҳридаги «Олимпийский» спорт мажмуасида қиличбозлик бўйича катталар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бошланади.

Халқаро қиличбозлик федерацияси шафелигида ўтказилган мусобақада дунёнинг бугунги кундаги энг маҳоратли қиличбозлари шпага, рапира ва шамшир бўйича бўлиб ўтадиган шахсий ҳамда жамоавий баҳсларда қатнашади. Иштирокчилар 12 жамланма медаллар учун кураш олиб боради.

19 июль куни якунига етадиган жаҳон чемпионатида беш нафар спортчимиз юртимиз шарафини химоя қилади. Руслан Кудоев, Роман Александров, Олег Соколов ва Алексей Тишко шпага беллашувларида, Гулмира Зияева эса рапира бўйича ўтказилган мусобақаларда иштирок этади.

## Футбол

### МИЛЛИЙ ТЕРМА ЖАМОАДА СЕРБИЯЛИК МУТАХАССИС

Сербиялик мутахассис Деян Журжевич терма жамоалар маркази техник директори лавозимида иш бошлади. Бу ҳақда ЎФФ мажлислар залида миллий ва олимпия терма жамоалари бош мураббийлари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида айтиб ўтилди.

Матбуот анжуманида қатнашган терма жамоалар маркази раҳбари Асқар Толибжоновнинг таъкидлашича, Д. Журжевич миллий ва олимпия терма жамоалари олдида кўйилган вазифаларни уддалашда ҳар икки терма жамоа мураббийлар штабига ёрдам беради. Дарвоқе, Ўзбекистон миллий терма жамоаси

## Бокс

### МЕЗБОНЛАР ҲАМ ОРТДА ҚОЛДИ



Қозоғистоннинг Атирау шаҳрида бокс бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз чарм қўлқоп усталари муносиб иштирок этиб, тўрт олтин, бир кумуш ва икки бронза медалини қўлга киритди.

Ўнга яқин давлат вакиллари қатнашган турнирнинг 52, 75, 69 ва 91 кило-

граммгача бўлган вазн тоифалари бўйича ўтказилган баҳсларда бокс-

чиларимиз барча рақибларини мағлубиятга учратиб, шохсупага кўтарилишди. Жумладан, вазни 52 килограммгача бўлган боксчилар ўртасида Шаҳобиддин Зоиров, вазни 75 килограммгача бўлган боксчилар баҳсида эса ўсмирлар ўртасида Осиё ва Жаҳон чемпиони, II ўсмирлар Олимпиадаси голиби Бектемир Мелиқўзиев голиб чиқди. Шунингдек, Одил Аслонов (69 кг.) ва Мирзохид Абдуллаев (91 кг.) ҳам билдирилган ишонччи оқлади.

Ўз вазн тоифасида Шуҳрат Абдуллаев кумуш, Элшод Расулов ва Равшанбек Шерматов бронза медаллари билан тақдирланди.

Шундай қилиб, умумжамоа ҳисобида мамлакатимиз терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади.



19-26 июль кунлари пойтахтимизда ўқув-машғулот йиғинини ўтказди. Бош мураббий Самвел Бабаев мазкур йиғинга

олий лиганинг тўртта клубидан 24 нафар футболчини таклиф қилган.

Жумладан, «Пахтакор»дан ўн, «Насаф»дан етти, «Бунёдкор» ва «Локомотив»дан учтадан футболчи чақирилган, биргина Баҳриддин Ваҳобов Навоий вилоятининг «Қизилқум» жамоасидан.

Олимпия ва миллий терма жамоаларимиз июль ойидаги йиғинлари давомида ўзаро иккита учрашув ўтказди. Бу йиғинлар 22 ва 25 июль кунлари бўлиб ўтади.

Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади.

